RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 “МУЗЛАГАН” МАБЛАҒ
3 МАСЪУЛЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК
4 БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ
ОМАДНИНГ СИРИ НИМАДА?

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 21 (427)
2005 йил
14 июн
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА.

БАҒРИКЕНГЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида аксарият одамлар тафаккурини эски тузумнинг боқимандалик, лоқайдлик, қонунбузарликка мойиллик сингари иллатлари мисоли чирмовуқдай ўраб олгани айни ҳақиқат. Юзага келган вазият қонунбузарликларга қарши муросасиз кураш ва айни пайтда демократияга кўпроқ юзланишни тақозо этарди. Жамиятни бозор муносабатлари билан бир қаторда демократик турмушга қарата ҳозирлаш асосий вазифа бўлиб қолганди. Бундай шароитда жиноятга яраша жазо тайинлаш амалиёти ўткир заруратга айланишини тасаввур этиш қийин эмас.

Истиқлолга эришилгандан буёнги давр ниҳоятда қисқа. Аммо босиб ўтилган йўл катта ва узун. Тараққиёт одимлари зарворли ва салмоқдор.

Инсон онгидаги янгиланиш, ўсиш-ўзгаришлар эса собиқ мустамлака республикада демократия тамойилларини кенг жорий этишдек тарихий шароит ва заруратни вужудга келтирди. Янгиланган ва яшарган жамият бағрида шаклланган ушбу оламшумул воқелик пировардида мамлакатимизда ҳақиқий демократияни кенг жорий этиш манбаи ва кафолатига айланди.

(Давоми учинчи бетда)



Муносабат

АДОЛАТ БАРИБИР ТАНТАНА ҚИЛАДИ...

Андижон воқеалари: бўҳтон ва ҳақиқат

Тошкентлик пенсионер Анфим Хлизовнинг “Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?” деган хатида илгари сурилган саволлар ҳар бир ватандошимизни ўйлантираётган масаладир.

Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон шаънига бўҳтон ёғдиришдан ким манфаатдор? Осойишта ҳаётимизга кимлар рахна солмоқда? Қандай кучлар уйимизни бузмоқчи бўлаётир? Қандай ёвузлик келажагимизга таҳдид қилмоқда?

Вақт ўтиши билан жуда кўп ҳақиқатлар ойдинлашмоқда. Чет эллардан келаётган сиёсатчилар Андижон воқеалари билан яқиндан танишгач, муҳим сиёсий-жўғрофий аҳамиятга молик бўлган ўлкамизда қуроляроғ ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўдалар ҳамда вазиятни беқарорлаштиришга уринаётган кучларнинг манфаатлари тўқнашаётганини қайд этмоқда.

Россия Федерацияси “Политика” жамғармаси президенти Вячеслав Никонов, Лондон Университети профессори Ширин Акинер Андижонда террорчилик тажовузи содир этилганини қайд этиб, ўз вақтида айрим хорижий журналистлар воқеани нохолис ёритганини, миш-миш ва уйдирмага урғу берганини таъкидлашди.

— Ўзбекистон кучли давлатчилик тажрибасига эга мамлакат, — деди “Политика” жамғармаси президенти Вячеслав Никонов. — Бугунги нотинч, мураккаб замонда Ўзбекистон раҳбариятининг жамият манфаатлари устуворлигига таянган қатъий ва ҳаққоний сиёсати мамлакат келажагини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Германиянинг “Шпигель” журнали Бундестагдаги ГСДП фракциясининг Марказий Осиё бўйича эксперти Й.Пфлюгнинг интервьюсини чоп этди. Унинг фикрича, “Ўзбекистонда нотинчлик ёки фуқаролар уруши хавфи йўқ. Давлат бошқаруви муассасаларига ёндашувда айрим фарқлар бўлишига қарамай, биз тушунамизки, Фарғона водийсида этник, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар йўқ эмас. Водийда бундай муаммолардан фойдаланиб кун кўрадиган диний радикал гуруҳлар ҳам бор. Биз Ўзбекистон ҳукуматини террорчиликка қарши курашда қўллаб-қувватлашга тайёр туришимиз даркор”.

Албатта, мана шундай холис ва одилона фикрлар кўнгилга ёруғлик бағишлайди. Лекин халқимиз юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон фидо этган қаҳрамон ўғлонлари хотираси билан яшаётган, жудолик ситамини юрагидан ўтказган ўша оғир кунларда ушбу фожиадан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, куракда турмайдиган ўйдирма ва бўҳтонлар тарқатган айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг мақсади нима эди?

Мустақилликка эришгач, ўз тақдирини ўз қўли билан яратаётган, жаҳон микёсида мустақил сиёсат юритаётган элимизнинг, юртимизнинг ўзига хос ва ўзига мос мақрур сиёсати кимларга ёқади-ю, кимларга ёқмайди?

Нима учун диний ақидапарастликни, ислом динини ниқоб қилиб олган қора кучлар Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтаришга уриниб келмоқда?

“Ас-салам” араб ахборот маркази раҳбари Аҳмад Зубайди: “Мен бу воқеаларни содир этганларни бутун дунёни касаллантираётган микробларга ўхшатаман”, — дейди.

Дарҳақиқат, бу бало мўътабар динимизга ҳам иснод келтирмоқда. Шу ўринда Интернетнинг “Центр Азия” сайтида эълон қилинган Марк Розенбергнинг “Тош отган ким?” мақоласида келтирилган қуйидаги далилга эътибор қаратайлик. “Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасига аксилўзбек шиорларини жўрликда айтиб, ўн беш нафар муҳожир бостириб кирди. Улар дипломатик ваколатхона эшикларига қизил бўёқ сепиб, элчихона деворига “Халифат” сўзини ёзиб қўйдилар”.

Бу далил жуда кўп ҳақиқатларни ўзида намоён этади. Биргина “Халифат” сўзининг ўзиёқ Андижон воқеалари ортида кимлар турганини яққол кўрсатиб турибди.

Қуйидаги фикрлар ҳам айнан шунинг тасдиғидир.

— Мен асли қибрайликман, — дейди Дилшод Абдусаматов. — Эндигина 24 ёшга кирдим. Бу оқимга 2002 йили қўшилиб қолдим. Ота-онам бу йўл хатарли эканини бир неча бор уқтиришди. Аммо уларнинг илтижоларига қулоқ солганим йўқ.

Биз ўз биродарларимизга ёрдам бериш учун 4 киши бир бўлиб, 7 май куни Тошкентдан Андижонга етиб бордик ва ҳарбий қисм атрофидаги хонадонлардан бирига жойлашдик. Сўнгра 20 нафар йигит қўл жангидан сабоқ олдик.

12 май куни ярим кечада ҳарбий қисм деворидан ошиб ўтиб, ўқ-дори омборига ҳужум қилдик. Ўша тўполонда оёғимдан яраланиб, қўлга тушдим. Мана энди кўп нарсаларни тушуниб, қилмишимдан пушаймон бўлиб ўтирибман.

— Мен дурустгина тадбиркор эдим, — дейди Андижоннинг Ҳакан қишлоғида яшовчи Азизбек Юсупов. — Сифатли ва бежирим маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдим. Ота-онам қишлоқда ўз ўрни ва ўз обрўсига эга ҳурматли одамлар эди. Минг афсуски, Баҳром Шокиров деган ғаламис кимсанинг таъсирида “акромий”лар сафига кириб қолдим ва эл-юртимга хиёнат қилдим. Улар “диний билим ўргатамиз”, деб мени алдашди. Ўз вақтида “акромий”лик бошимга қандай ташвишлар олиб кишини англаб етмаганим — менинг фожиамдир.

— Ўша кеча шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Бирор жойга ўт кетдими, деб ўйлабман, — дейди Андижон шаҳридаги 7-сонли маҳкама маслаҳатчиси Муборакхон Мирзаева. — Кўп қаватли уйдаги хонадоним деразасидан қараб турсам, манзара бутунлай бошқача. Шунда қўшни аёллар билан пастга тушдик. Катта машинада қуролланган кимсалар тўполон кўтаришиб, ҳибсхона томон келишар эди. Шу пайт қуролланган тўрт нафар йигит кўчадаги чинор панасига ўтишди. Улар оқ рангли “Москвич”нинг ҳайдовчисига ўқ узишди. Машина чинорга бориб урилди. Улар ҳатто ўзларининг яраланган шерикларини ҳам аяб ўтиришмади, шартта отиб ташлашди.

— Ишдан қайтаётиб, вилоят ҳокимлиги олдида тўпланган оломонга қўшилиб қолдим, — дейди жангарилар томонидан гаровга олинган Азизахон Отахонова. — Қуролли одамлар мен сингари аёл ва болаларни пана қилиб, олдинга юришди. «Қуршовдан чиққанларни отиб ташлаймиз», деб қўрқитишди. Пайтдан фойдаланиб қочишга ҳаракат қилдим, лекин автомат ушлаб олган баджаҳл йигит туртиб-туртиб мени яна сафга қўшди. Шундай қилиб, бизнинг панамизда Бўтақара қишлоғидан ўтган катта йўл билан Тешиктош қишлоғи томон боришди. Улар гапга кирмаган икки кишини менинг кўз олдимизда отиб ташлашди.

— Мен “акромий”лар ҳақида эшитган эдим-у, лекин тўлиқ тасаввурга эга эмасдим, — дейди Инсон ҳуқуқлари халқаро жамияти ўзбек шўъбаси Андижон вилояти бўлими раиси Қодирали Эргашев. — Биз ҳам ўша куни эрта тонгда уларнинг фаолларига қуролли тўқнашувга йўл қўймаслик ҳақида мурожаат қилдик. Улар эса биз билан гаплашгиси ҳам келмай, мени ва ўринбосарим Ортиқали Раҳматовни прокуратура ва ички ишлар ходимлари тутиб турилган хонага олиб киришди. Қўлимизни боғлаб, туткунлар сафига қўшиб қўйишди.

Ўша куни уларнинг ваҳшийликларни кўриб, ҳақиқий башарасини билиб олдим. Уларнинг аксарият кўпчилиги муқаддам жиноят содир этган, маъмурий идора ходимларига нисбатан аламзада одамлар эди. Халқ сенинг таъсирида “акромий”лар сафига кириб қолдим ва эл-юртимга хиёнат қилдим. Улар “диний билим ўргатамиз”, деб мени алдашди. Ўз вақтида “акромий”лик бошимга қандай ташвишлар олиб кишини англаб етмаганим — менинг фожиамдир.

— Ўша кеча шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Бирор жойга ўт кетдими, деб ўйлабман, — дейди Андижон шаҳридаги 7-сонли маҳкама маслаҳатчиси Муборакхон Мирзаева. — Кўп қаватли уйдаги хонадоним деразасидан қараб турсам, манзара бутунлай бошқача. Шунда қўшни аёллар билан пастга тушдик. Катта машинада қуролланган кимсалар тўполон кўтаришиб, ҳибсхона томон келишар эди. Шу пайт қуролланган тўрт нафар йигит кўчадаги чинор панасига ўтишди. Улар оқ рангли “Москвич”нинг ҳайдовчисига ўқ узишди. Машина чинорга бориб урилди. Улар ҳатто ўзларининг яраланган шерикларини ҳам аяб ўтиришмади, шартта отиб ташлашди.

— Ишдан қайтаётиб, вилоят ҳокимлиги олдида тўпланган оломонга қўшилиб қолдим, — дейди жангарилар томонидан гаровга олинган Азизахон Отахонова. — Қуролли одамлар мен сингари аёл ва болаларни пана қилиб, олдинга юришди. «Қуршовдан чиққанларни отиб ташлаймиз», деб қўрқитишди. Пайтдан фойдаланиб қочишга ҳаракат қилдим, лекин автомат ушлаб олган баджаҳл йигит туртиб-туртиб мени яна сафга қўшди. Шундай қилиб, бизнинг панамизда Бўтақара қишлоғидан ўтган катта йўл билан Тешиктош қишлоғи томон боришди. Улар гапга кирмаган икки кишини менинг кўз олдимизда отиб ташлашди.

— Мен “акромий”лар ҳақида эшитган эдим-у, лекин тўлиқ тасаввурга эга эмасдим, — дейди Инсон ҳуқуқлари халқаро жамияти ўзбек шўъбаси Андижон вилояти бўлими раиси Қодирали Эргашев. — Биз ҳам ўша куни эрта тонгда уларнинг фаолларига қуролли тўқнашувга йўл қўймаслик ҳақида мурожаат қилдик. Улар эса биз билан гаплашгиси ҳам келмай, мени ва ўринбосарим Ортиқали Раҳматовни прокуратура ва ички ишлар ходимлари тутиб турилган хонага олиб киришди. Қўлимизни боғлаб, туткунлар сафига қўшиб қўйишди.

Ўша куни уларнинг ваҳшийликларни кўриб, ҳақиқий башарасини билиб олдим. Уларнинг аксарият кўпчилиги муқаддам жиноят содир этган, маъмурий идора ходимларига нисбатан аламзада одамлар эди. Халқ мана шу ҳақиқатни билгани учун уларга қўшилмади.

Кечки пайт барча гаровга олинганларнинг бўйнидан ипга боғлаб, ички ишлар ходимларини биринчи қаторга, оддий кишиларни эса орқароққа қўйиб, мана шу жонли девор панасида Сойгузарга қараб йўл олишди. Жангарилар қаршилик қилган, юра олмай ўтириб қолганларни ўша заҳоти аямасдан отиб ташлашди. Одамлардан бир қанчаси ўқ тегиб йиқилди. Ўринбосарим Ортиқали Раҳматов ана шу тўполон пайтида ваҳшийлик қурбони бўлди. Мен эса жароҳат олиб, оёқ остида қолиб кетдим.

— Тун ярмида “Жиҳод!” деб кимлардир камерага бостириб киришди, — дейди Андижон ҳибсхонасида ўтирган маҳбуслардан бири Расулжон Акбаров. — Ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон бўлиб турган эдик, ўқ овозлари эшитилиб, ҳамма ёқ тўс-тўполон, қийчув бўлиб кетди. Шу пайт қуролланган одамлар: — Андижон бизнинг қўлимизга ўтди. Сизлар озодсизлар, — дейишди.

Ҳеч кимдан садо чиқмагач, улар бизни сўка-сўка ташқарига олиб чиқишди. Бу ердаги манзара юракни эзиб юборадиган даражада эди. Чунки деярли ҳар куни кўришиб юрган ҳибсхона назоратчилари ваҳшийларча ўлдирилган эди. Босқинчилар бизни уларнинг мурдаларини босиб ўтишга мажбур қилишди. Орқага тисарилганларни эса автоматнинг қўндоғи билан уришди.

Улар қўлимизга қурол бериб, вилоят ҳокимлиги биносига олиб келишди. Маҳбуслар қўлини қонга ботиришни истамас эди, албатта. Бу гапнинг исботи шуки, биз, аксарият кўпчилик маҳбуслар улардан қочиб, ўз ихтиёримиз билан ички ишлар идораларига бордик...

* * *

Андижон воқеалари ҳақида кўп ёзилди. Бу фожиани ўз кўзи билан кўрган одамлар «Ёмондан доғ қолади» деган ҳикмат ўринли эканини таъкидламоқда.

Бугун чет эллик журналистлар ва сиёсатчиларнинг ўзлари ҳам ушбу воқеага холис баҳо бериб, у қонли террор эканини таъкидлашмоқда.

Халқимиз, ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деб бежиз айтмаган. Биз, андижонликлар ўша оғир кунларда ким дўст, ким душман эканини чуқур англаб етдик. Бошимизга ташвиш тушган оғир дамларда Юртбошимиз тоғдек таянч бўлиб тургани, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг кафолати бўлгани, қатъий туриб шаънимизни ҳимоя қилгани, ер юзидаги одил ва холис сиёсатчилар ва журналистлар эзгуликни ҳимоя қилиб, адолатли фикр билдиргани кўнглимизга ёруғлик бағишлади.

Оғир кунлар ортда қолди. Лекин унинг аччиқ сабоқлари ҳеч қачон унутилмайди.

Илҳом ЭГАМНАЗАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

> ***Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.***
>
> **Ислом Каримов**

БУШ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ИНҚИЛОБ ВАЪДА ҚИЛАЁТИР...

Наҳотки у шунчалик анойи?

«Труд» газетасининг шу йил 20 май сонида «Буш Марказий Осиё ва Кавказда инқилоб содир этишни ваъда қилди», деган хабар чоп этилди. Ушбу хабарда яна айтилишича, бу билан АҚШ Президенти ўзининг жаҳонда демократияни «тез тарқатиш» борасидаги доктринасига янгидан куч берган. Айни пайтда бу Американинг дунёнинг турли жойларида сиёсий тузумларни хоҳиш пайдо бўлган ҳамоноқ ўзгартириб туриш ниятида эканини тасдиқлайди.

АҚШнинг Халқаро республика институти томонидан ташкил этган тадбирда Жорж Буш бу унинг иккинчи бор сайланган президентлик муддатидаги асосий вазифаларидан бирига айланишини баён этди. Президент мазкур доктринани амалга ошириш учун катта маблағ — биргина 2006 йил 124 миллион доллар ажратиш ва шу мақсадга «тезкор ҳаракат қилувчи корпус» ташкил этишни режалаштирмоқда. У кейинги бир ярим йил ичида дунёда, хусусан, Грузия, Украина, Ироқ, Қирғизистон ва Ливанда «рангли инқилоб»лар амалга оширилганини таъкидлади. «Озодлик, — деди у, — бутун ер шарида тўсиқсиз тараққиётни намойиш этмоқда... ва бу ҳали бошланиши. Бутун Кавказ ва Марказий Осиё бўйлаб ўзгаришлар истиқболи билан боғлиқ қутишлар кучаймоқда ва бундай ўзгаришлар албатта рўй беради» (?!).

Оддий одамга хос оддий анойилик даражасида туриб айтилган бундай башоратларни, айниқса, бу ошкора буюртма бўлса, изоҳлаш жуда мушкул. Бироқ барибир сўрашга тўғри келади: хўш, ўзгаришларни бетоқат бўлиб кутаётганлар кимлар? Кўпгина халқаро ташкилотларнинг грантлар шаклидаги садақалари ҳисобига яшаётган ва ўзларининг текинхўрликларини оқлаш учун зўр бериб тартибсизликларни келтириб чиқаришга, ҳеч қурса, ўзларига ўхшаганлар иштирокида намойишлар уюштиришга уринаётганларми? Марказий Осиё ва Кавказдаги аксарият одамлар тинчлик ва барқарор шароитда яшашни хоҳлайди. Бу ҳудудларга муносабатларига оид доктриналарини режалаштираётганда американликлар бир оддий ҳақиқатни — Шарқ менталитетининг асосий жиҳатини, яъни Шарқда ҳар қандай қарор ақл билан, мантиқ қонунлари асосида қабул қилинишини ҳисобга олмайди. Халқ бир марта экспорт қилинган инқилобнинг уқубатларини бошидан кечирди, инқилобий дунёқарашнинг тезкор сингдирилишига уринишлар оқибатида жамоатчилик онгида юзага келган ағдар-тўнтарлар ҳали одамлар хотирасида кечагидай сақланиб турибди. Бироқ Америка деганлари шу боисдан ҳам Американинг, улар учун миллий ўзига хосликлару манфаатларнинг сариқ чақалик қадри йўқ. Чунки улар ўзларини дунёни қайта қурувчи ва бутунбутун халқларнинг тақдирларини ҳал этувчи, деб ҳисоблашади. Лекин таёқнинг икки боши бор. Унинг бир боши, эҳтимол, Яратганнинг қаҳри бўлиб қайтар. Бировга соғинган ёмонлигинг охир-оқибат ўзингга қайтишини ўйлаб кўргин, деб бежиз айтишмаган.

Тарихда рўй берган воқеаларнинг ўзи ҳам фикрлаб кўриш учун керагича имкон беради. Чунончи, демократик давлатларнинг қўли билан шу қадар кўп ёвузликлар содир этилганки, энди бу давлатларнинг террорчиларни айблаётганини эшитиб, беихтиёр ҳайрон қоласан киши. Мисол учун айтсак, Америка «эронгейт»ини олайлик. Ўшанда Марказий Разведка Бошқармаси «душман» — Эронга сотилган қуролдан тушган пул эвазига Никарагуада «контрас» террорини молиялаштирган эди. Афғонистон ҳукуматига қарши мужоҳидлар уруши ҳам худди шу тарзда уюштирилган эди. Ўшанда АҚШ 3 миллиард, колумбиялик наркокартеллар 10 миллиард доллар ташлашган. Гулбиддин Ҳикматёр ўшанда террор муҳитининг таянчи, «ҳамкорлик» асосида наркобизнеснинг қироли эди. Дарвоқе, АҚШга келтириладиган «героин»нинг учдан бири Афғонистон улуши эди. Марказий Разведка Бошқармаси эса Ҳикматёрни 1994 йилгача молиявий таъминлаб турди. Сўнгра бошқача йўл тутилди — «Толибон» билан ҳамкорликка киришилди, уларнинг қўлидан эса 100 минг нафардан ортиқ америкалик ҳалок бўлди. Бу ўринда 11 сентябр воқеаларининг ўзини эслаш ҳам етарли бўлса керак...

АҚШга ўхшаш «илғор-демократик» деб аталадиган давлатларнинг махсус хизматлари томонидан иккиёқлама ўйин олиб борилаётир: террор ва ОАВ қўли билан оммавий қўрқув авж олдирилганда махсус хизматлар гўё террорни «жиловлаган» бўлиб, икки каррали натижани қўлга киритади, яъни алоҳида бир давлатларга озодлик ва демократиянинг кафолати сифатида майдонга чиқишга имкон яратади.

Турли хил вазиятларни улаб-ямаб, жаҳондаги рақибларининг кучайишидан ташвишланган АҚШ махсус хизматлари ислом давлатларини бир-бирига очиқдан-очиқ гиж-гижлайди. Бундай ўйин Европа ва Осиё-Тинч океани ҳудудларида жойлашган мамлакатларни нефт билан таъминлайдиган минтақада охир-оқибат беҳад кучли портлашни юзага келтириши мумкин. Жамоатчилик онги билан ўйнашадиган бу ўйинчиларнинг ҳаракатлари терроризмга «озодлик» учун курашувчи, «инсон ҳуқуқлари» ҳимоясини, «миллатларнинг ўз ҳуқуқларига ўзлари эга бўлиши»ни юзага чиқарувчи каби сифатларни тақишга имкон туғдиради. Бу эса терроризмга ўзининг ижтимоий базасини кенгайтириш ва жамоатчилик кўз ўнгида бу қабоҳатнинг буюртмачи ҳамда ҳомийларини оқлашга шароит яратади.

Ҳозирги пайтда жаҳонда қудратли, террорчиликка оид шов-шувларга ўч, қисқа муддатда жамоатчилик фикрини шакллантирадиган ОАВ пайдо бўлган. Бугунги кунда террорнинг энг қулай ва таъсирчан усули — ҳокимият вакилларига эмас, балки тинч, ҳимоясиз одамларга зўравонлик қилиш, бунинг ҳожиали оқибатларини ОАВ орқали тарқатиб жамоатчилик муносабатини уйғотишдир. Бундай усул «махсус террор-давлатлар» учун омма онгига «душман қиёфаси»ни сингдириш, шу йўл билан «террор даҳшати»ни яратиб, бу воситадан сиёсий ўйинлар учун фойдаланиш имкониятини беради.

Мақоламизнинг бошида айтиб ўтилган Жорж Бушнинг сўзидан келиб чиқилса, ер юзидаги жамики бахтсизликлар ва хунрезликлар, барқарорлик ва тинчликнинг барбод бўлишига АҚШнинг гегемонликка даъвогарлиги сабаб бўлаётир. Жаҳонда рўй бераётган АҚШ сценарияси асосидаги воқеалардан келиб чиқиб, 11 сентябр фожиаси АҚШнинг ўзи ёзган сценариянинг ижроси, аламзада, масъулиятсиз сиёсатининг оқибати, дейиш мумкин.

Мазкур мулоҳазаларга Елена Зонинанинг «Терроризм — оғриқ ва қўрқувдай таниш сўз» сарлавҳали мақоласидан олинган қуйидаги парча билан «лирик» хотима қилиш мумкин: «Урушлар йўқ, сен эса уйингда ухлашга ётасан, билмайсан, эртага эрталаб уйғонасанми-йўқми, ҳар эҳтимолга қарши одатдаги «хайрли тун» деб тилак билдириш ўрнига ўз яқинларинг билан хайр-хушлашасан ва уларнинг юзига синчиклаб термуласан, эслаб қолишга уринасан: эҳтимол, уларни қайта кўриш насиб этмас. Бу нақадар даҳшат! Бугун жаҳон урушлари тугаган, фақат халқларни пана-паст қамда туриб оммавий қириш бошланган».

Мен бани башарнинг бундай тушкун фикрларга банди бўлиб қолишини истамайман, ахир, дунё шусиз ҳам бамисоли инсон кафтида қалқиб турган биллурдай омонат. Бу ҳақда, аввало, ғарблик сиёсатдонлар — «тақдир эгалари» ўйлаб кўришлари лозим.

М. ОТАЖОНОВ,
психология фанлари номзоди

Манба: «Центр Азия»

Qonun ko`magi

ҲАҚ УНДИРИЛДИ

Маълумки, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболи ойдин, самарали усули эканини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, масъулиятини ошириш, ерни уларга 50-100 йиллик муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим.

Аслида ҳам ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилмаса, фермер моддий манфаатдор бўлмаса, шартнома хўжакўрсин учун тузилса, шубҳасиз, унинг ҳафсаласи пир бўлади.

Келинг, яхшиси аниқ мисолларга мурожаат қилайлик.

Жондор туманидаги "Ҳасанобод" фермер хўжалиги ўтган йил 10 феврал куни туман пахта тозалаш заводи билан 284-сонли шартнома тузди. Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳсулот баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби, томонларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати белгиланди. Томонлар манзили ва банк реквизитлари кўрсатилиб, тегишли тартибда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилди.

Шартномага кўра фермер хўжалиги 2004 йил ҳосилидан 99,8 тонна пахта ҳосилини белгиланган сифати ва нави бўйича етказиб берди. Тайёрловчи фермер хўжалигига етказиб берган маҳсулот қийматининг 80 фоизи ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилганидан қолган қисми маҳсулот топширилгандан сўнг 7 кун ичида, қолган 20 фоизини қайта ишлаш натижаларига кўра якуний ҳисоб-китоблар асосида тузилган далолатномага мувофиқ 2005 йилнинг 1 август кунигача тўлаш мажбуриятини олган. Афсуски, тайёрловчи шартномавий мажбуриятга амал қилмади. Тўғрироғи, 21.205.000 сўм кечиктириб тўланди. Шу миқдорнинг 824.000 сўми ҳамон тайёрловчи бўйнида турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низомининг 51-бандида қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган сана хўжалик томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган кун деб ҳисобланади. Маҳсулот олувчининг манзилига юклаб жўнатилган тақдирда эса маҳсулот транспорт ташкилотининг вакилига топширилган сана мажбуриятлар бажарилган кун деб ҳисобланиши назарда тутилган.

Хўш, бунинг шарҳини қандай тушуниш мумкин?

Демак, фермер хўжалиги пахта тозалаш заводи, яъни тайёрловчи томонидан тўловлар кечиктирилгани боис қўшимча тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида устама ва асосий тўловдан бош тортгани учун жарима ундириш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалиги раҳбари Ғ.Қурбонов тўлов кечиктирилгани учун 2.655006 сўм устама, асосий қарзни белгиланган муддатда тўлашдан асоссиз бош тортгани учун 2.463.541 сўм жарима ундириб беришни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Гарчи фермер талаби асосли бўлса-да, кредитор шартномада ҳам жарима, ҳам устама шаклида неустойка ундириш белгиланган тақдирда фақат бир шаклдаги неустойка талаб қилишга ҳақли. Шуларни инобатга олиб, тайёрловчи корхонадан фермер хўжалиги фойдасига 2.655.006 сўм устама ундириб берилди. Чунки фермер хўжалиги томонидан шартномадаги режадан 13,8 тонна кўп пахта хомашёси топширилган. Уни қайта ишлашдан завод фойда кўриши табиий.

Пешкў туманидаги "Қувват" фермер хўжалиги ҳам туман пахта тозалаш заводига шартнома асосида 356.005 килограмм пахта хом ашёси етказиб бериб, ҳақини ўз вақтида ололмаган. Чунончи, шартноманинг 4.3-бандида тайёрловчи етказиб берилган маҳсулот қийматининг 80 фоизлик қисми ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилганидан қолган қисмини маҳсулот топширилгандан сўнг 7 кун ичида тўлашни ўз зиммасига олган.

— Заводга топширилган пахта ҳосили учун шартномага асосан 56.769.000 сўм олишимиз керак. 1.437.695 сўм ўз вақтида тўланди. 55.331.305 сўмни тўлаш муддатлари бузилган, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Қ.Ҳусенов. — 7.212.500 сўм ҳозиргача ҳисоб рақамимизга келиб тушмаган. Шунинг учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилдим.

Вилоят хўжалик суди мажлисида туман пахта тозалаш заводидан "Қувват" фермер хўжалиги фойдасига 7.212.500 сўм асосий қарз, 7.417.170 сўм устамани ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётининг келажаги фермерлик ҳаракати тараққиётига боғлиқ. Шундай экан, тайёрлов корхоналарининг тўлов интизомига бефарқ қарашини фермерлик ғоясига путур етказиш ва уни обрўсизлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар, деб баҳолаш керак. Шартнома талабларига амал қилмаслик ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслик шарт.

Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Zamonamiz qahramonlari

Бугун чинакам деҳқоннинг бош қашишга вақти йўқ. Чунки бир томонда ғалла ўримйиғими авжига чиққан, иккинчи томондан ғўза қатор ораларига навбатдаги ишловни кечиктирмай бериш керак. Ҳуллас, иш қайнагандан-қайнаган. Аммо бу бобо деҳқонга завқ-шавқ бағишлайди. Чунки у эртага қилаётган меҳнати самарасини кўради.

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПАЁТГАНЛАР



Учкўприк туманидаги "Улуғбек" фермер хўжалиги раҳбари Равшанжон Ёқубов истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Ўшанда унинг қўрасида 20 бош қорамол мавжуд эди. Р.Ёқубовнинг хайрли ташаббуси дарҳол инобатга олиниб, унга 8 гектар ер ажратиб берилди.

Орадан икки йил ўтиб, чорвачиликка ихтисослашган "Улуғбек" фермер хўжалиги ташкил қилинди. Шундан буён хўжалик ҳудуд аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган 2004 йилда фермер давлатга 10 тонна гўшт, 50 тоннадан ортиқ сут топширди. Ҳозир эса 50 бош сигир, 200 бош қўйқўзи яйловда боқиляпти.

Равшанжон ака деҳқончиликда ҳам яхшигина тажриба орттирган эди. Шу боис 2003 йилда яна 32 гектар ер олиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. У мавжуд 40 гектар майдоннинг 12 гектарига пахта, 26 гектар ерга буғдой, қолган 2 гектарига бошқа экинлар экди. Ерни боқсанг, ер сени боқади деганларидек, фидокорона меҳнати туфайли фермер кутганидан ҳам ортиқроқ натижага эришди. Буғдой режадаги 54,6 центнер ўрнига 91 центнер, пахта эса 38 центнер ўрнига 44 центнердан ҳосил берди. Бу туман миқёсида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Хўжаликнинг йиллик даромади қарийб 15 миллион сўмни ташкил этди. Энг асосийси, Р.Ёқубовнинг айни фидойилиги муносиб баҳоланиб, унга яна 68 гектар ер ажратиб берилди. Ахир, ерни ҳақиқий эгасига беришни даврнинг ўзи тақозо этаяпди-да.

Ўзига билдирилган ишонч оқлагани боис хўжалик 2004 йилда тўлиқ уруғчиликка ихтисослаштирилди. Бу эса фермердан ишга янада масъулият билан ёндашишни талаб этди. Шу йили хўжалик деҳқонлари 50 гектарга буғдой, 40 гектар ерга чигит қадашди. Яна 10 гектар ер чорва озуқаси етиштириш учун ажратилди. Гарчи 2003 йилдагидек бўлмаса-да, ғалладан 54,6 центнер ўрнига 75 центнердан 375 тонна ҳосил олинди. Шундан 151,2 тоннаси давлатга сотилди. 25 тонна дон хўжалик аъзоларига тарқатилди. Қолган 199 тонна дон эса хўжаликка яна қўшимча даромад келтирди. Пахта ҳосилдорлиги 38 центнер ўрнига 40 центнердан ташкил қилди ва ҳосил тўлиқ биринчи навга сотилди. Шу тариқа хўжалик деҳқончиликдан 50.217.879 сўм соф фойда олди.

Ҳар қандай деҳқоннинг белига қувват бўлиб, оғирини енгил қиладиган нарса бу — техникадир. Шунинг учун Равшанжон ака энди битта "МТЗ-80" русумли чопиқ трактори ва "Т-40" русумли транспорт трактори сотиб олди.

2005 йил бошида хўжаликнинг ерлари 128,8 гектарга етди. Ушбу майдоннинг 64,2 гектарида ғалла етиштирилди. 54,6 гектар ерда эса ғўза парваришланяпти.

— Сифатли уруғлик тайёрлаш мақсадида бу йил буғдойнинг "Марс-1", пахтанинг "С-6524" навларини танладик. Туманимиз бўйича етиштириладиган пахта ва ғалла уруғининг 30 фоизи бизнинг зиммамизга тўғри келади, — дейди Равшанжон Ёқубов.

Дала шийпонида Р.Ёқубов билан суҳбатлашиб турганимизда Илҳомжон Фармонов деган йигит ўз комбайни билан ўримга етиб келди. Хўжалик аъзолари ва бу ерга йиғилганлар дастурхонимиз тўкин, юрт тинчлиги барқарор бўлишини тилаб, дуога қўл очдик. Комбайн ўримга тушди.

— Ҳосилнинг чўғи қалай? — деб сўрайман фермердан.

— Ҳосилдорлик 70 центнердан кам бўлмайди, — дея қатъий ишонч билан жавоб берди у.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, хўжалик дон етиштириш бўйича "Қўқондонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти билан контрактация шартномасини имзолаган. Айни пайтгача пахта майдонлари 2 маротаба чопиқдан чиқарилди. Ҳар гектар ер 215 килограммдан минерал ўғит солиб озиқлантирилди.

— Жорий йилдаги деҳқончилигимиздан 63,5 миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаяпмиз, — дея сўзини давом эттиради Р.Ёқубов. — Бунинг учун эса аввало, имкон қадар ер билан "тиллашиш"га, қолаверса, хўжалигимиз меҳнаткашларининг манфаатдорлигини оширишга жиддий эътибор қаратганмиз.

Фермернинг бу гапларида жон бор. Чунки қиш фаслида мавжуд ерларга 3 мартадан яхоб суви берилди, ҳар бир гектар ҳисобига 9-10 тоннадан маҳалли ўғит жамғарилди, 11 километрлик ариқ-зовурлар тозаланди.

Хўжаликда бугун 60 нафарга яқин киши иш билан таъминланган. Уларнинг ойлик иш ҳақлари ўртача 35-40 минг сўмдан иборат. Меҳнаткашлар учун йил бошида 15 сотих майдонда дала шийпони барпо этилди. Шийпон ёнида олма, шафтоли, ўрик каби мевали дарахтлардан иборат 2 гектарлик боғ ҳам барпо этилди.

Шийпонда кичик нонвойхона, ошхона, дам олиш хоналари мавжуд. Ҳовли саҳнидаги ҳовуздан оқаётган сув ва ёнатрофга чирой бағишлаб турган анвойи гуллар дам олиш оромгоҳи ёки истироҳат боғини эслатади.

Р.Ёқубов меҳру-саховат бобида ҳам кўпчиликка намуна бўляпти. У халқимизнинг шодуҳуррам, улуғ айём, байрам кунларида Қўқон шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига ҳамда тумандаги 100 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатишни одат қилган.

Бир сўз билан айтганда, Равшанжон ака ҳалол меҳнати, пешона териси эвазига қадр-қиммат топяпти. Бундан ташқари, ерни алдаб, ундан фақат шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, халқ мулкини талон-тарож қилаётган сохта "фермер"ларга ҳам ўрнак бўляпти. Бу эса унинг йўли ойдин эканидан далолатдир.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Menda taklif bor

"АНИҚЛИК КИРИТИЛСА..."

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати зиммасига кўплаб ваколатлар билан бирга бир қатор мажбуриятлар ҳам юклатилган. Хусусан, депутат палатанинг қайси қўмитаси ёки комиссияси таркибига сайланган бўлса, уларнинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда шахсан иштирок этиши шарт. Бу мажбурият жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки Қонунчилик палатасининг мажлислари, ишида палата депутатлари умумий сонининг камида ярми иштирок этсагина, ваколатли ҳисобланади. Депутат ўз ваколатларининг кўпчилигини Қонунчилик палатаси мажлисларида амалга оширади. Агар депутатларнинг кўпчилиги мажлисга келмай қолса, қонун талаб қилган кворум йиғилмайди ва палата ўз фаолиятини тўлиқ амалга ошира олмайди.

Агар палата иши барча депутатларнинг профессионал, доимий фаолиятига асосланганини эътиборга олсак, интизомнинг бу тарзда бузилиши палата фаолиятига таъсир этиши мумкин. Шу сабабли қонунчиликда депутатнинг палата мажлисларига бир неча маротаба узрсиз сабабларсиз келмагани ваколат муддатини олдиндан тугатишга асос бўлишини белгилаш лозим, деган таклифни билдирмоқчиман.

Қонунчилик палатасида депутат доимий асосда ишлаши лозим. Шу боис депутат ўзининг асосий вақтини сайланган ишига бахшида этиши лозим. Мана шу муносабат билан депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, қонунчиликка биноан уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига ҳам йўл қўйилмайди. Мазкур конституциявий қоида депутатнинг молиявий ва иқтисодий жиҳатдан муайян таъсир доирасига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган. Депутат бундай омиллар таъсиридан холи бўлса, хусусий манфаатларини чеклай олса, халқ, жамият манфаатларини холис ва тўла-тўкис ифодалаш имкониятига эга бўлади.

Шу билан бирга депутатлар педагогик ва илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Таъкидлаш лозимки, айрим ҳуқуқшунослар бу мажбурият ва чеклов юридик жиҳатдан турли ноаниқликларни келтириб чиқаради, деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, илмий ва педагогик фаолият деганда профессор ёки доцент лавозимида фаолият кўрсатиш ва тегишли ҳақ тўланишини ҳам ифода этади. Бу ҳолат эса ушбу қонун меъёрига нисбатан қарама-қаршиликни келтириб чиқаради. Шу сабабли қайд этилган меъёрни "депутат таълим, илм ва ижод билан шуғулланувчи муассасалар ҳамда жамоат бирлашмаларида маъмурий лавозимларини эгаллаши мумкин эмас", деган банд билан тўлдириши таклиф қиламан. Қонунчиликка ана шундай аниқлик киритилса, палатаси депуптатнинг эркин ва самарали фаолият юритишига имкон яратилади.

Мадат ИСМЕТУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос

Muloqot

ОТАНГИЗ НОТЎҒРИ ЙЎЛ ТУТГАН

Биз оилада 4 қиз ва 2 ўғилмиз. Мен кенжа фарзанд бўлганим учун отам билан бирга яшайман. Аммо турмушидан ажралган опам келиб мени уйдан чиқариб юборди. Кейин эса у уйни ва томорқани сотди. Энди эса отам менга тегишли бўлган лалми боғни ўз номига расмийлаштириб, уни ҳам сотиш ниятида юрибди. Бу масалани адолатли ҳал этиш учун қаерга мурожаат қилишим керак? Айтмоқчиманки, улар менинг розилигимсиз бу мулкларни сотишга ҳақлими?

Худойберди ҲОЖИЕВ,
Деҳқонобод тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш лозимки, Фуқаролик кодексининг 488-моддасида уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уй ёки квартирасининг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шарти — бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборат.

Бундан ташқари, уй, квартира, уй ёки квартирасининг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ушбу моддадан кўриниб турибдики, отангиз сизнинг розилигингизни олмаган ҳолда уйни ва томорқани сотиб юборишга ҳақли эмас.

Сиз бу масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этсангиз, ўйлаймизки, муаммо адолатли ҳал этилади.

МУАММО СУДДА ЕЧИМ ТОПАДИ!

"Ўзбекинвест" Э.И.М. суғурта компаниясининг вилоят филиалида автомашинамни суғурта қилдирган ва барча ҳужжатлар расмийлаштирган эдим. Яқинда машинам билан автоҳалокатга учрадим. Анча катта зарар кўрдим. Шундан сўнг суғурта бошқармасига мурожаат қилдим. Аммо улар шартномага биноан тўланиши лозим бўлган зарар миқдорини беришни пайсалга солаяпти. Суғурта бошқармаси шартнома талабларини бажармагани учун уларга нисбатан қонуний чора кўриладими?

Абсоат ЯНГИБОЕВ,
Сурхондарё вилояти

— Суғурта бошқармаси томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ва жавобгарлик масаласи хусусида "Ўзбекинвест" Э.И.М. суғурта компанияси билан тузилган шартномада тегишли бандларда маълумот берилган бўлиши керак. Ҳақиқатдан ҳам, сиз автомашинангизни суғурта компанияси билан тузилган шартномалар мажбуриятлари қандай бажарилаётганини ўрганганишганда юқоридаги ҳолга гувоҳ бўлишди. Шундан сўнг вилоят хўжалик судига "Мутахар" фермер хўжалигининг қонуний манфаатини кўзлаб, "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти туман филиали ҳисобидан қарзни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Вилоят хўжалик суди ушбу даъвони тўлиқ қаноатлантирди. Ҳар қандай тадбиркорлик субъекти пешона тери, меҳнат билан пул топади. Ушбу маблағдан тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун мақсадли фойдаланади. Тадбиркорнинг машаққатли меҳнат билан топган маблағи мақсадсиз туриб қолиши мумкин эмас.

Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ҳосилнинг мўл бўлиши ернинг минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилганига ҳам боғлиқ. Маҳаллий ўғит топиш муаммо эмас. Минерал ўғитлар эса шартнома асосида шу ишга мутасадди корхоналар томонидан етказиб берилади. Лекин...

"МУЗЛАГАН" МАБЛАҒ

Иштихон туманидаги "Мутахар" фермер хўжалиги "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг туман филиали билан ўтган йилнинг 24 мартида 2004 йил пахта ва ғалла ҳосили минерал ўғитлар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Акциядорлик жамиятининг туман филиали ушбу шартнома имзолангунга қадар фермер хўжалигидан 253 минг сўмлик минерал ўғит қарзи бор эди. Шартнома тузилгач, "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ туман филиалининг банкдаги ҳисоб рақамига 353 минг сўм маблағ келиб тушди.

Бироқ ўтган йил давомида тадбиркорлик субъектига бир килограмм ҳам минерал ўғит ажратилмаган. Оқибатда фермер хўжалигининг хизмат кўрсатувчи ташкилотда 353 минг сўм маблағи ҳаракатсиз туриб қолган.

Шу ўринда бир мулоҳаза: агар фермер хўжалиги туман филиалидан шартномада белгиланган миқдордаги минерал ўғитни олганда, шубҳасиз, маҳсулот етиштириш сифати ва салмоғи юқори бўларди. Бу — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Гап шундаки, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг маблағи асоссиз «музлатиб» қўйилиши мумкин эмас. Фермер хўжалигининг икки йил давомида минерал ўғит учун ўтказган маблағидан фойдаланмагани ачинарли. Филиал тадбиркорнинг ўз маблағидан бошқа мақсадлар учун эркин фойдаланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилган. Очиғи, дебитор қарздорлик юзага келиб, фермер хўжалигининг ҳуқуқи бузилган.

Яқинда Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходимлари "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг Иштихон туман филиалида фермер хўжаликлари билан минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар мажбуриятлари қандай бажарилаётганини ўрганганишганда юқоридаги ҳолга гувоҳ бўлишди. Шундан сўнг вилоят хўжалик судига "Мутахар" фермер хўжалигининг қонуний манфаатини кўзлаб, "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти туман филиали ҳисобидан қарзни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Вилоят хўжалик суди ушбу даъвони тўлиқ қаноатлантирди. Ҳар қандай тадбиркорлик субъекти пешона тери, меҳнат билан пул топади. Ушбу маблағдан тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун мақсадли фойдаланади. Тадбиркорнинг машаққатли меҳнат билан топган маблағи мақсадсиз туриб қолиши мумкин эмас.

Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

Мамлакатимизда ҳаётга жорий этилган қонунларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқароларга берилган ҳуқуқ ва имкониятларни таҳлил қилсак, уларда жамиятимиз тараққиётига бевосита дахлдор эркинликлар кўзда тутилганига амин бўламиз. Бу эса тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қолмай одамлар салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариши учун катта имконият яратади.

ТАДБИРКОР ҲИМОЯСИ — МУҲИМ ВАЗИФА

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиб бориши билан ҳамоҳанг равишда ҳаётий талабларидан келиб чиқиб, кўплаб муҳим меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинмоқдаки, уларнинг туб моҳияти тадбиркорларга кенг ваколат, ҳуқуқ ва имкониятлар бериш, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орқали ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турмуш фаровонлигини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий бозори ичида мамлакатимизнинг мавқеини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида сўз юритилганида, Президентимизнинг 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу қонун ҳужжатларига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган, улар белгиланган тартибда ҳар йили аттестациядан ўтказиладиган бўлди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли қарори билан "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш Тартиби" тасдиқланди.

Ушбу Тартибга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар текширувга дахлдор бўлмаган ҳужжатларни текширувчиларга бермасликка ҳақли. Бундан ташқари, текшириш ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилганлиги бўйича ушбу идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги "Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун ҳисобот топшириши қисқартириш ва соддалаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 1-бандида қайд этилишича, микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоботни ҳар ҳоракда топширади. Улардан ҳар ойда ҳисобот талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Товар бозорларида монополистик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги қонунга кўра, инсофсиз рақобатга, монополистик фаолиятга йўл қўйилмайди ва монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар белгиланган.

Буларнинг бари моҳият-эътибори билан мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига давлатимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганини англатади. Бироқ шунга қарамай, ваколатли давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан тегишли ҳуқуқ ва меъёрларини бузганлик учун жарима қўлланилиши ҳар доим ҳам асослантирилган ҳолда ва қонуний даражада, деб бўлмайди. Натижада улар томонидан шошма-шошарлик билан ноқонуний чиқарилган ҳар бир қарор тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига, иш жараёнининг сусайишига олиб келади. Суд амалиётида бундай қарорларни ҳақиқий эмас деб топишга доир низолар мавжуд.

Тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим усули давлат органининг бошқарув усули билан амалга оширилади. Агар давлат ёки бошқа орган томонидан унинг ваколатига ёки қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳужжат чиқарилиши натижасида тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилса, у бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш ҳақида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир. Давлат ёки бошқа идоралар ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг тадбиркор ҳуқуқини бузадиган, чеклайдиган кўрсатмаларининг бажарилиши натижасида тадбиркорга етказилган зарар шу идоралар томонидан бой берилган фойда билан биргаликда қопланиши лозим. Бунда тадбиркорнинг ҳуқуқини бузган айбдор шахсга нисбатан қонун ёки шартномадан келиб чиқадиган асосий бурчни бажаришга мажбур қилишдан ташқари қўшимча жавобгарлик чоралари ҳам қўланилади.

Албатта, бугун давр шитоб билан илгарилаётган экан, бу тадбиркорлик фаолиятига дахлдор қонунларни ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, бу борада дунёдаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва ҳаётимизга жорий этишни тақозо этади.

Шу маънода биз қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик.

Аввало шуни айтиш керакки, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувни янада чеклаб бориш керак. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби, бизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни (мисол учун, хўжалик субъекти фаолиятига жиддий таъсир кўрсатувчи катта миқдордаги жарима солиш, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳисоб рақамидан фойдаланишни тақиқлаш ва ҳоказолар) фақат суд томонидан тайинлаш тартибини жорий қилиш лозим.

Ҳозирги пайтда судларнинг ваколатлари кенгайиб, уларда кўриладиган низоларнинг турлари ошиб бормоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида хўжалик судларининг ихтисослаштирилган суд сифатида ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини қайта кўриб чиқиш лозим. Бунда қасддан содир этилмаган ва катта миқдорда бўлмаган қонунбузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони енгиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш учун биржа ва аукцион савдолари оқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш зарур.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш ва мулкка нисбатан эгалик туйғусини шакллантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш иқтисодиётни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Анвар ШУКРУЛЛАЕВ,
юридик фанлари номзоди

Islohot samarasi

ЖАРИМА СОЛИНАДИ

Харидорга товар сотиб олгани учун касса чеки бермаса, сотувчига нисбатан бирон-бир чора кўриладими? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Дилфуза ХАЙИТОВА,
Яккабоғ тумани

— Агар истеъмолчига товар харид қилгани учун сотувчи томонидан касса ёки товар чеки берилмаса, мулк шаклидан қатъи назар, сотувчига энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима солинади.

ҚЎШИМЧА ҲАҚ ОЛИНМАЙДИ

Айтайлик, мен дўкондан "MAGNUS" русумли автомашина сотиб олдим. Зарур ҳужжатларни расмийлаштиргач, автомобилдан фойдаланишга доир қўлланмани давлат тилига таржима қилиб беришни сўрадим. Дўкон ходимлари қўлланмани таржима қилиб, бунинг учун ҳам қўшимча ҳақ тўлашни талаб қилишди. Уларнинг бу талаби қонунийми?

Жамшид РАЖАБОВ,
Самарқанд шаҳри

— Йўқ, уларнинг талаби ноқонуний. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг "Чакана савдо қоидалари тўғрисида"ги қарорининг 121-бандига кўра, чет элда ишлаб чиқарилган автомобиллардан фойдаланишга доир қўлланма қўшимча ҳақ ундирилмасдан давлат тилига таржима қилиб берилиши керак.

Савол-жавобларни Ғайрат САТТОРОВ тайёрлади.

Саволларга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди.

БАҒРИКЕНГЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ



Jamiyatimiz maqsadi

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ижтимоий-иқтисодий турмушда юз берган бундай ўзгаришларнинг мантиқий давоми танланган тараққиёт йўли, саъй-ҳаракатларда ўзининг теран ифодасини топмоқда. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштиришга қарата қабул қилинган кўплаб ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар демократия томон юзланишнинг чинакам ифодаси бўлди.

Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари мамлакатимизда ҳар нарсадан устун ва устувор. Буни мамлакатимиз Конституцияси ва унинг замирида яратилган ўнларча кодекслар, қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар яққол тасдиқлаб турибди.

Демократиянинг ҳақиқий намунасини жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишларига оид қонун ҳужжатларида яна ҳам равшан кўриш мумкин. Қолаверса, давлатимиз сиёсати талаби ҳам шуни тақозо этади: ҳаётда билиб-билмай адашганлар, жиноятга бехос қўл урганларни жазонинг оғири эмас, балки енгилроғи яхшироқ тарбиялайди. Тарбиялабгина қолмай галдаги қонунбузарликларнинг пайини қирқади. Қонунийликни эъзозлашга ва бундан-да муҳими, ўзи бахраманд бўлган бағрикенгликка бағрикенглик билан жавоб беришга ундайди, инсоний фазилатлар даргоҳига етаклайди. Демак, айрим жиноятлар учун жазони босиб қўллашдан кўра енгилроғини қўллашнинг аҳамияти беқиёс катта.

Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 6-сессиясида қабул қилинган ва 2001 йил октябр ойида амалга киритилган **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги **кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларнинг ҳақиқий намунаси бўлди. Дарҳақиқат, ушбу қонун шарофати билан биргина Хоразм вилоятининг ўзида ўзаро яраша замирида 1046 киши жиноий жавобгарликдан озод қилинди, қанчадан-қанча фуқаролар жонажон оилалари бағрига қайтди ёки жазони енгиллатиш билан боғлиқ қатор бағрикенгликлардан баҳраманд бўлди. Ушбу фикримизга қонуннинг атиги битта — 66-1-моддасини мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя. Муқаддам амалда бўлган Жиноят кодексида ушбу модда мавжуд эмас эди. У қонунга қўшимча сифатида киритилди. Ушбу модда талабларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Жиноят процессуал кодексига эса бутун бошли янги 62-боб қўшилди. Таъкидлаш жоизки, ана шу модда ва бобнинг ўзиданоқ жаҳон андозаларидаги демократия намуналари мамлакатимизда бутун борлиғи билан намоён бўлаётганлигини яққол илғаб оласиз.

Ушбу боб ва модда замирида жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида вужудга келган ўзаро муросанинг қонун томонидан тан олиниши масаласи ётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Гап шундаки, бундай келишувни олдинги қонунлар тан олмас эди. Ҳар иккала кодексга киритилган қўшимчаларнинг талаби шундай: ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида айбланувчи жабрланувчи билан ярашса, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўласа, жавобгарликдан озод этиши керак. Жиноят кодексининг 66-1-моддасида ўзаро муросани эътироф этишга асос бўла оладиган жиноятлар тури ва таркиби тўлиқ кўрсатиб берилган. Шунга мувофиқ, айрим жиноий хатти-ҳаракатларга биринчи марта қўл урган киши агар у қилмишига иқрорлик билдириб, жабрланувчидан кечирим сўраса, ярашса ва уқдирилганидек, кўрилган зарарни қопласа ёки ушбу зарар қопланмаган бўлса-да, даъвогар тўловга оид талабларидан воз кечса, айб кечирилади. Суд ва тергов бу ҳолатларни айбланувчини жазодан халос этиш омили сифатида қараб чиқади.

Жиноят қонунчилигида ушбу демократик тамойилнинг пайдо бўлиши жиноий-ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришга самарали таъсир кўрсатди.

Мазкур тартиб жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш билан бирга айбланувчининг суд-фар ёки жами судланганларнинг 12,9 фоизига нисбатан қўзғатилган жиноий ишлар томонларнинг ўзаро ярашганлиги туфайли ҳаракатдан тугатилган. 2003 йилга келиб, ўзаро ярашув муносабати билан тугатилган жиноий ишлар салмоғи жами қараб чиқилган ишларнинг 15,3 фоизига етди. Яъни 2 минг 953 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган 2 минг 291 та ишнинг 377 таси ҳаракатдан олиб ташланди. 2004 йил эса 2 минг 772 нафар шахсни айблаш бўйича судларга юборилган 2 минг 145 та ишнинг 370 таси тугатилди. Жами 395 нафар киши жиноий жазодан озод этилди.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо чораларининг камаяётганлиги ҳам эътиборга молик. Чунончи, 2001 йили вилоятда жами судланганларнинг 48,8 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. 2002 йили бу кўрсатгич 40,1 фоизга, 2003 йил 31,1 фоизга, 2004 йили эса 27,2 фоизга тушди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, жиноий жазоларни либераллаштиришга оид қонун ҳужжатининг суд амалиётига жорий этилиши ўзининг ижобий натижаларини бераяпти. Инсоният турмуши ғоятда ранг-баранг ва сир-синоатларга бой, унинг талаб ва тақозолари ҳам анчагина. Қонун инсонни, инсон эса қонунни англамоғи даркор. Одамлар турмуши ва табиатини синчиклаб кузатган киши мушт кўтарганни мушт билан "сийлаш" амалиёти рўшноликка етакламаслиги, аксинча, адоватни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Қонунда ўз ифодасини топган юқоридаги сингари бағрикенглик ва кечиримлиликнинг натижасида эса шак-шубҳасиз араз, ғазаб ва гина-кудуратларнинг унутилишига, инсоний муносабатларнинг мўътадиллашувига олиб келади.

Урганчлик Комилжон Сатторов 2005 йилнинг 21 февралида қинғирликка қўл урди. Куппа-кундуз куни ўз ҳамшаҳари Сардор Рўзиматовнинг "Рига" русумли мотороллн велосипедини ўғирлаб, ғойиб бўлди. Бироқ узоққа кетолмади. Қўлга тушиб, элдошлари олдида "ўғри" деган исодга қолди. Бироқ навбат қонун олдида жавоб беришга келганда эса ҳушини йиғиб, жабрланувчидан ва суддан астойдил кечирим сўради. Жиноятга биринчи марта қўл урганини айтиб, ўғрилик молни эгасига қайтариб берганлигини, қилмишидан пушаймонлиги баён этди. Жабрланувчи уни кечирди. Бу ҳолни суд ҳам инобатга олди. Шу тариқа иш ҳаракатдан тўхтатилди.

Турмуш ўртоғи Дилнавоз Отажоновага қўл кўтариб, соғлиғига жиддий шикаст етказган урганчлик яна бир фуқаро Бахтиёр Каримовнинг ҳаракатлари ҳам аслида тегишли жазога лойиқ эди. Аммо у ҳам жазодан озод этилди. Дилнавоз уч нафар фарзандининг отасини кечирди, у билан ярашди. Дарз кетаётган оилавий муносабат қайта тикланди. Бахтиёр ҳам ўз айбига тўла иқрорлигини билдирди, ножўя қилмишини қайта такрорламасликка сўз берди. Суд оилавий муносабатлар измига тушгани, айбланувчи турмуш ўртоғидан кечирим сўраб, етказилган зарарнинг ўрнини қоплагани ҳамда Д.Отажонованинг ўз умр йўлдошига нисбатан жазо қўлламасликни сўраб ёзган аризасини инобатга олди. Иш ҳаракатдан тўхтатилди.

Яна бир мисол. Урганч шаҳридаги боғчаларнинг бирида хўжалик ишлари мудири вазифасини бажарган Раҳмат Нурматов ўзига ишониб топширилган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож этган. Бунинг оқибатида боғчага катта миқдорда моддий зарар етказилган. Айбланувчи суд жараёнида ўз қилмиши ва унинг оқибатларини тўлиқ англаб етганини билдирди. Етказилган зарар унинг ҳисобидан тўлалигича қопланди. Бунинг устига у суддан, фуқаровий даъвогар-боғча ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими маъмуриятидан ўз хатти-ҳаракатларини кечиришни астойдил илтимос қилди. Тавба-тазарру беоқибат қолмади. Зарар тўлиқ қоплангани халқ таълими муттасаддиларини даъводан воз кечишга ундади. Қонунбузарликка қаратилган хатти-ҳаракатларни кўриб чиқиш ишни барвақт тугатиш билан ниҳоясига етди.

Хулоса шуки, давлатимиз ғамхўрлиги ва бағрикенгликларидан баҳраманд бўлаётганлар сони анча кўп. Йўлдан адашганларнинг аксарияти маънавий соғлом турмуш бағрига қайтаётгани жиноий жазоларни либераллаштиришга қарата олиб борилаётган сиёсатнинг тўғри ва мантиқий асосга қурилганини кўрсатмоқда. Яна бир ибратли мисол. Жиноий жазоларни либераллаштириш масаласи мамлакатимизда атиги битта қонун яратилиши билан поёнига етгани йўқ. У суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги салмоқли қадамларнинг бири, холос.

Мамлакатимизда жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар бошлангунга қадар мавжуд бўлган жами 40 турдаги жиноят таркибининг 86 таси ёки 18,7 фоизини ижтимоий хавфи катта бўлмаган қонунбузарликлар ташкил этарди. Ҳозирда бу рақам 42,8 фоизга етди ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар салмоғи кодекснинг жами 141 та моддасини ўз ичига олди. Бундан ташқари, илгари судларда ишларни кўриб чиқиш муддати чегаралаб қўйилмаган ва бунинг оқибатида айбланувчи ва жабрланувчилар воқеалар ниҳоясини узоқ кутишга мажбур бўлишарди. Эндиликда бу масалага ҳам ойдинлик киритилди ва ишларни ўз мазмун-моҳиятига кўра қараб чиқишнинг чегаралланган аниқ муддати белгиланди.

Жиноий ишларни кўриш жараёнида давлат айбловчиси билан ҳимоячисининг ҳуқуқлари ўзаро тенг қилиб белгиланиши эса суд жараёнида тортишувлар тамойилини юзага келтирди. Бу — қонунийлик тантанаси йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди ва одамларнинг адолат ва ҳақиқат тамойилларига бўлган ишонч гаровига айланди. Мамлакатимизда суд кадрларини танлаш ва тасдиқлашнинг янгича, самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилганлиги қонунчилигимиз посбонлари сафини теран билимли, малакали, ҳалол ва пок ходимлар билан тўлдириш, энг муҳими, ишларни қонун ва инсоний виждон тамойиллари асосида ҳал этиш имконини яратди. Шу билан бирга мавжуд суд инстанциялари олдида янада кўламдор вазифалар тизими шаклланаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш даркор.

Суд — жазолаш идораси эмас. У омма, жамият ва давлат манфаатларини бирдай ҳимоя қилиш воситаси, жиноятчиликни эса ҳар кимни ўз қилмишига яраша жазолаш билан эмас, балки кенг жамоатчилик билан бир қаторда туриб, унинг олдини олишга қаратилган оммавий тадбирларда фаол иштирок этиш йўли билан ҳам сезиларли камайтириш мумкинлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Х. МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос

Talab, taklif, mulohaza

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг масъулиятини кучайтириш масаласига тўхталиб, бу соҳада хизмат қиладиган мутахассислар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан адо этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилашини алоҳида таъкидлади. Бу талаблар адлия тизимидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимлари фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

МАСЪУЛЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК

У ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Зеро, ҳозирги пайтда ФҲДЁ бўлимлари, «Бахт уйлари», «Никоҳ саройлари»ни малакали ҳуқуқшунос ходимлар билан таъминлаш, айниқса, кадрлар заҳирасини яратиш ишларини қайта ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода бу соҳада тўпланган тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, кенг ёйиш, айрим муаммоларни биргаликда ҳал этиш фойдадан холи эмас, деб ўйлаймиз.

Ходимларни заҳирага олиш ишларини яхшилаш, ёш мутахассисларнинг касб маҳоратини ошириб бориш ва қобилиятларини юзага чиқариш жиддий эътиборни талаб қиладиган вазифалар сирасига киради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ФҲДЁ ходимининг вазифаси жуда масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир. Уларга оила қураётган ёшларга Ўзбекистон номидан гербли гувоҳномаларни топширишдек юксак ишонч билдирилган. Шу боисдан ҳам, бу даргоҳларга ўз касбига чинакам меҳр қўйган, билимли, фидойи, софдил, маънавияти юксак мутахассислар фаолият юритиши керак.

Кейинги йилларда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ФҲДЁ бўлимида кадрлар заҳирасини яратиш ишларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилиб, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланадиган олий ўқув юртлари ва коллежлар билан ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Ёш мутахассислар алоҳида суҳбатдан ўтказилиб, уларнинг билим савияси, фикрлаш қобилияти, ҳуснихати ўрганилгач, ишга қабул қилинмоқда. Заҳирадаги ходимларнинг иш ўрганиши йўлга қўйилиб, улар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказига ўқишга юборилмоқда. Улар билан ўтказилаётган семинар машғулотларига эса турли соҳаларнинг билимдони бўлган малакали мутахассислар жалб этилаяпти.

Шу билан бирга оила ва никоҳ соҳасида тўпланиб қолган бир қатор муаммолар ҳам мавжудки, бу борада кенг жамоатчилик билан маслаҳатлашиш мавриди келди, деб ўйлаймиз. Бу ўринда гап урфга айланиб бораётган сайёр никоҳ тизими ҳақида кетмоқда.

Тўй-ҳашамлар, оилавий маросимлар ва тантаналарга сарфланадиган харажатларни камайтириш, исрофгарчилик ва ортиқча дабдабабозликка йўл қўймаслик мақсадида Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги **"Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"**ги Фармони асосида Адлия вазирлиги томонидан ФҲДЁ идораларига никоҳни қайд этиш ҳамда бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар берилди. Ушбу тавсияга мувофиқ, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик мақсадида никоҳни тўйхоналарда ўтказиш йўлга қўйилди. Бироқ бир неча йиллик тажриба сайёр никоҳларнинг афзалликлари билан бир қаторда камчилик ва ноқулайликлари ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Оила кодексининг 13-моддаси талабига кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида қайд этилмоғи керак. Ушбу қонуннинг 215-моддасида эса никоҳ гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси номидан тантанали равишда топширилиши қайд этилган. ФҲДЁ ва «Бахт уйлари» ходимлари зиммасига мазкур қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий амал қилиш масъулияти юкланган. Шунга асосан улар никоҳдан ўтаётган фуқароларнинг аризаларини қабул қилиш, шунингдек, никоҳни қайд этиш чоғида бўлажак эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳ шартномаси, тиббий кўрикдан ўтиш ва унинг афзалликлари, оиланинг мустаҳкамлиги ва бошқа оилавий ҳуқуқий муносабатлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориши лозим.

Амалиётдан келиб чиққан ҳолда чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, сайёр равишда тўйхоналарга кўчирилган никоҳларни тантанали қайд этиш маросимларида қонун талабларини бекаму кўст бажаришда муайян қийинчиликлар келиб чиқаётганини пайқаш қийин эмас.

Бунга тўйхоналарда никоҳ ҳужжатларини расмийлаштириш, жумладан, имзолаш, муҳрлаш, ФҲДЁ бўлими ходимларини махсус-кийим бош билан таъминлаш каби масалаларни киритиш мумкин. Бунинг сабаблари сайёр никоҳларни ўтказиш ҳақидаги низом ва бошқа тегишли йўриқномалар ишлаб чиқилмагани билан ҳам изоҳланади. Чунки айрим ҳолларда ФҲДЁ бўлими ходимлари никоҳни тўйхоналарда қайд этиш маросимларида келин-куёвга никоҳ гувоҳномасини топшираётганда ўз вазифаларини қонунда белгиланганидек юқори савияда адо этиш имкониятига эга бўлмайди. Тавсияларга мувофиқ, тантанали никоҳ маросимини сайёр равишда ўтказиш ваколати юклатилган ходим тегишли маросим либосида, "Давлат байроғи" лентасини тақкан ҳолда, шунингдек, қўлида никоҳни қайд этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар жилд-китоби ва энг асосийси, адлия бошқармаси томонидан берилган гувоҳномага (ходимнинг шахсини тасдиқловчи) эга бўлган ҳолда никоҳни ўтказиш жойида ҳозир бўлиши керак. Бироқ бу жойларда никоҳни қайд этишда аксарият ҳолларда тантанаворлик руҳи сезилмайди, устига-устак, келин-куёвга эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ишларини олиб бориш учун тўйхоналар никоҳ саройлари ўрнини бемалол босади, деб айта олмаймиз.

Ваҳоланки, кўпгина "Никоҳ уйлари" ва ФҲДЁ идораларининг ҳашамдор кошоналари бўш турибди. Бундан ташқари, сайёр никоҳга бориш учун, айниқса, тўй мавсумида, ходимлар сони етишмаслиги яққол сезилиб қолмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Huquqiy savodxonlik sari

ОШИҚЧА ХАВФ МАНБАИ

УНДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ҳар қандай юридик жавобгарлик шартларидан бири ҳуқуқбузарнинг айби ҳисобланади. Бироқ фуқаролик ҳуқуқида зарар етказган шахси айби бўлмаган тақдирда ҳам фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган ҳолатлар мавжуд. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 999-моддасига биноан фаолияти теварак- атрофдагилар учун ошиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, автомобил эгалари ва шу кабилар) ошиқча хавф манбаидан етган зарарни, агар бу зарарни бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракатлари натижасида содир бўлганини исбот қилиб бера олмаса, уни тўлашга мажбурдир. Ошиқча хавф манбаи деб, муайян ашёлардан, асосан техникадан фойдаланиш билан боғлиқ ва ҳаракатда бўлиш, ишлаш жараёнида ишнинг муттасил ва ҳар томонлама назоратига олиниши мумкин бўлмаган ва шу туфайли кишилар учун бахтсиз ҳодисалар вужудга келишига шарт-шароит яратадиган фаолият тушунилади. Ошиқча хавф манбаи муайян куч-қувват, энергия манбалари (масалан, генератор, электр узатиш станциялари, линиялари, буғ қозонлари ва ҳоказо) ёхуд ҳаракат-транспорт воситалари (автомобиллар, кемалар, поезд, самолётлар) ёхуд кимёвий физикавий жараёнлар орқали амалга ошириладиган ишлаб чиқариш фаолияти (ўювчи кислоталар, заҳарли кимёвий моддалар, радиоактив ва портловчи моддалар) бўлиши мумкин. Шунингдек, ошиқча хавф манбалари биологик кўринишда ҳам бўлиши мумкин (масалан, йиртқич ҳайвонлар, заҳарли илонлар, касаллик тарқатувчи вируслар).

Ошиқча хавф манбаи эгаси хавф манбаини сақлаш ва фойдаланиш бўйича белгилаб қўйилган қоидаларга тўлиқ риоя қилиши, ошиқча хавф манбалари теварак-атрофдагилар учун хавфсиз бўлишини таъминлашлари шарт.

Ошиқча хавф манбалари гуруҳига барча турдаги автомобиллар киради. Кўпчилик одамлар автомобиллар орқали йўловчига, пиёдага шикаст етказилганда, транспорт воситасининг ҳайдовчисигина йўл ҳаракати қоидаларини бузган бўлса, жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилади, деб хато ўйлашади. Ҳолбуки, бунинг учун тегишли фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд эканлигини кўпчилик билмайди. Йўл транспорт ҳодисалари бўйича маъмурий ва жиноят ишлари, агар ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаси бузилмаган бўлса, бунинг оқибатларидан қатъи назар, маъмурий жазо билан чегараланади. Бундай ҳолатда агар пиёда йўловчининг соғлиғига, мол-мулкига шикаст етказилган бўлса, автотранспорт ҳайдовчиси, уни ижарага олувчи ёки мулкдори Фуқаролик кодексининг 999-моддасига биноан жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ тўлаши лозим.

Агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч таъсирида ёки жабрланувчини қасддан қилган ҳаракатлари натижасида вужудга келган бўлса, ошиқча хавф манбаи эгаси жавобгар бўлмайди. Бироқ ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги ошиқча хавф манбаи эгаси томонидан исботлаб берилиши шарт. Исботлаш бурчи бундай вазиятда жабрланувчи зиммасига юклатилмайди. Бинобарин, жабрланувчининг эҳтиётсизлик қилгани ошиқча хавф манбаи эгасини жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўла олмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари, адвокатлар, шунингдек, судьялар буни ҳар доим назарда тутиши лозим.

З. САЪДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос

Nadomat

«Ким ичкиликка берилса, ҳаёт лаззатини барбод қилади, кўнглининг жоми ҳушсизлик майи билан тўлса, элнинг лаънат ва нафратига сазовор бўлади, уятсизлик, шармсорлик билан шуҳрат қозонади», деган эди донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, инсон умри, ақли ва бахтининг кушандаси саналмиш ичкилик ҳамма замонларда қоралланган. Чунки у туфайли киши надомат чекиши, қабоҳатга юз буриши ва ҳаттоки жиноятга қўл уриши мумкин. Шунинг учун бежизга ичкилик шайтоннинг суви, деб таърифланмаган. Шайтон эса ўз измидаги кимсага фақат тавқилаънат келтиради, холос. Суд залида бошини қуйи эгиб ўтирган Отабек ҳам бундай қабоҳат йўлига қачон кирганини ўзи сезмай қолди...

ҒАЗАБНИНГ АВВАЛИ НОДОНЛИК, КЕЙИНИ ПУШАЙМОНЛИК...

СУД ОЧЕРКИ

1. ХОНАДОН

Одатда, хонадон сўзи тилга олинганда файзли гўша кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Учтепа туманидаги Қодировлар хонадони ҳам ана шундай файзли хонадонлардан бири эди. Бироқ ичкилик бу хонадондан ана шу файз баракани учирди. Оила бошлиғи Шуҳрат ака илм даргоҳида ўқитувчи бўлиб ишлашига қарамасдан, баъзан ичиб келиб, хотини билан тез-тез тортишиб қолар эди. Сув ҳам чак-чак томиб, охири тошни ўйиб юборар экан. Эр-хотинининг кундалик жанжалларидан бири ҳам фожиа билан тугади...

2. ФАРЗАНД

Отабек оиланинг ўртанча фарзанди эди. Бозорда ишлаб, рўзғор тебратиб юрганди. У ҳали алоҳида уй олмаган, оиласи билан ота-онасиникида яшар эди. Кейинги вақтда даромад унча яхши бўлмагани учун бозорга ҳам боргиси келмай қолди. Қолаверса, иссиқ кунларда ҳовлини таъмирлаш ҳақида ўйлай бошлади. Отаси ҳар куни ишга кетади. Кексалиги боис, ишдан чарчаб келади. Ана шуларни назарда тутиб, Отабек бир неча кундан буён уй юмушлари билан банд. Бугун негадир ўрнидан турги келмай анча ётди. Қолган ишларнинг қанча вақтда битишини чамалади. Эрталаб опасининг овози эшитилгандек бўлаётганди, демак, жиянлари келибди. Шу пайт онасининг тергаган овози шовқинга қўшилди.

Анчадан буён онасининг тоби йўқ, тез-тез қон босими ошиб, юраги безовта қилади. Кечга томон поччаси ҳам келиши мумкин, қолган ишларни тезроқ битириш керак. Шуларни хаёлдан ўтказган Отабек ҳафсаласизлик билан ишга киришди. Тушликдан сўнг кайфияти бироз кўтарилди, енгил ишлай бошлади. Ҳаш-паш дегунча кеч кириб қолди. Ошхонадан кечки овқатнинг ёқимли ҳиди тараларди. Отабекнинг хаёли бўлинди: «Қани энди, 50 грамм ароқ бўлса, оҳ-оҳ, иштаҳаям нақ карнай бўларди-да». Шу хаёл билан ювиниб, хотинига «Ҳозир келаман»,- деди-ю кўчага отланди. Кўчанинг адоғидаги дўконда улфатларини учрагани айни муддао бўлди. Битта 50 граммнинг ортидан сон-саноқсиз 50 граммлар ичилди...

3. ОТА

Шуҳрат ака дарс тугагач, йўл-йўлакай катта ўғлиникига кирди. Набираларини олиб, уйга қайтди. Йўлдан уларга ширинликлар олиб берди. Чарчоқни енгиш учун дўкондан жиндек ароқ олиб ичди. Ҳаво иссиқлигиданми, чарчагани учунми, унга ароқ бирдан таъсир қилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ

ФРАНЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТГА ЭГА

Франция фуқаролик қонунчилигида маънавий зарар алоҳида зарар тури сифатида ажратилмаган бўлиб, у фақат суд жараёнида юзага келади. Шу сабабли маънавий зарар етказилгани учун жавобгарлик асослари таркиби зарар етказилгани учун жавобгарликнинг қуйидаги умумий асосларига тўғри келади:

- маънавий зарарнинг мавжудлиги, яъни шахсий номулкий манфаатларнинг камситилгани;
- зарар етказган шахснинг айбида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатнинг мавжудлиги;
- ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ва унинг оқибатида келиб чиққан маънавий зарар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

Таъкидлаш жоизки, Франция қонунчилиги ва суд амалиёти маънавий зарар ундиришни назарда тутадиган шахсий номулкий ҳуқуқ ва манфаатларни муайян бир рўйхат билан чекламайди ҳамда маънавий зарар ундириш мумкин бўлган ҳолатларнинг жуда кўп бўлишини назарда тутади.

Шахснинг ҳуқуқларига етказилган ҳар қандай зарар, агар унинг оқибатида шахс маънавий азоб-уқубат чекса, номоддий зарар етказилгани учун товон ундиришга асос бўлади. Бу Франция фуқаролик қонунчилигида инсоннинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва манфаатлари юқори даражада кафолатланганини кўрсатади.

Франция фуқаролик қонунчилигида муҳофаза қилинадиган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва манфаатлар кенг бўлса-да, суд амалиётида улар асосан шахснинг шаъни ва қадр-қиммати; исмга бўлган ҳуқуқи; шахсий ҳаёт дахлсизлиги; жиноий қилмишлар объекти бўлган шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва обрў-эътиборидан иборат.

Франция Фуқаролик кодексининг 1382-моддасида телефон сўзлашувларини ошкор қилиш орқали етказилган маънавий зарар учун товон ундириш асослари белгиланган. Суд амалиётида мазкур модданинг қўлланилиши оммавий равишда ҳақорат қилганлик ва ноаниқ маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик назарда тутилган **"Ноширлик тўғрисида"**ги қонуннинг 29-моддасидаги жиноят таркиби билан ҳам боғлиқдир.

Одатда, ҳақорат қилиш оқибатида етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб жиноий иш юритиш жараёнида фуқаровий даъво кўринишида тақдим этилади.

Францияда **"Ноширлик тўғрисида"**ги қонуннинг 13-моддасида ноаниқ маълумотларга нисбатан раддия бериш институти мукаммал тартибга солинган. Раддия ҳуқуқи деганда жавоб эълон қилиш ҳуқуқи тушунилади. Шу маънода раддия бериш ҳуқуқи оммавий ахборот воситаларида тарқатилган ахборот ўз шахсига тегишли деб ҳисоблаган ҳар бир шахсга таллуқлидир. Бунда мазкур маълумотлар муайян ёки мустақил фикрни ифодалагани, бу маълумотларнинг ахборот ёки танқидий хусусиятга эга бўлгани, ахборотда жабрланувчининг исми эслатилгани аҳамиятга эга эмас.

Раддия бериш ҳақидаги жавоб қуйидаги ҳолларда қабул қилинмаслиги мумкин:

- қонун ёки эзгу ҳуқуқларга зид бўлса;
- учинчи шахснинг қонуний манфаатлари ёки журналистнинг шаъни ва қадр-қимматига зиён етказса;
- раддия ҳақидаги маълумот ҳажм жиҳатидан раддия қаратилган маълумотдан кўпроқ бўлса.

Франция суд амалиётида жабрланувчи вафот этган вазиятда унинг яқинлари маънавий зарар учун товон ундириш ҳуқуқига эга экани эътиборга олинади.

Суд амалиётида маънавий зарар учун товон ундириш мақсадида "яқинлар" тушунчасига кирадиган шахслар доирасини аниқлаштириш йўлга қўйилган. Бу кишилар вафот этган жабрланувчи билан қариндошлик ёки эр-хотинлик муносабати асосида боғланган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, агар қариндош ва эр-хотинга маънавий зарар етказилиши гумон қилинса, бу шахслар маънавий зарарга нисбатан товон ҳуқуқи юзага келиши учун жабрланувчи вафоти оқибатида муайян азоб-уқубат чекканини исботлаб бериши лозим.

Франция суд амалиёти маънавий зарар учун товон миқдорини белгилашда жабрланувчининг ички руҳий изтироби, жисмоний жиҳатдан тортган азоби, ғайриқонуний хатти-ҳаракат оқибатларининг оғирлик даражаси, жабрланувчининг индивидуал хусусиятлари, зарар етказувчи айбининг шакли, унинг мулкий ҳолати ва бошқа кўпгина жиҳатларни эътиборга олади.

Бу каби хусусиятлар мамлакатда маънавий зарарни қоплаш ва ундириш билан боғлиқ суд амалиётида ўзига хос тажриба тўпланганини кўрсатади.

Хушнуд МАДРИМОВ

Mushohada

Болалик — инсон ҳаётининг беғубор ва маъсум давридир. Унинг ўзига хос фараҳбахш лаҳзалари ҳар бир кишининг қалбида бир умр сақланиб қолиши табиий. Чунки болалик инсон умрининг энг гўзал фасли ҳисоблади. Шу сабабдан ҳам ҳаётдаги ҳар бир беғуборлик ва гўзаллик аввало болаларга қиёсланади. Болажонлар тийрак нигоҳ ила ҳамма нарсага ҳайрат ва ажабланиш билан қарайди. Улар ҳақида билишни, кашф этишни хоҳлайди.

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Ҳар қандай бола ҳам анча-мунча нарсага фаҳму фаросати етади, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалару гап-сўзларни тез илғайди. Шунинг учун ҳар доим савол бериб, катталарнинг ҳол-жонига қўймайди. Кимдир бу саволларга эринмай, батафсил жавоб беради, бошқа биров эринчоқлик қилиб, уларнинг раъйини қайтаради... Баъзи кишилар боланинг бирор ножўя хатти-ҳаракатини кўрганида "ҳа, энди бола-да", деб қўяди. Ҳолбуки, ёш ниҳол каби эгилувчан бўлган фарзандларимизга қандай тарбия берсак, эртага шундай самара кўрамиз.

Қуйидаги мулоҳазалар кўча-кўйда учраган воқеалар асосида туғилган. Уларнинг тарбиявий ва маънавий жиҳатларини ҳисобга олиб, батафсил баён этишни лозим топдик.

Биринчи воқеа. Байрам арафаси бўлгани учун ҳамма яқинларига, фарзандларига совға-саломлар олиш мақсадида бозор айланиб юрибди. Ўйинчоқлар дўконида ҳар галгидан ҳам одам кўп. Ота-онаси, яқинлари етагидаги болакайлар совға танлаш билан овора. Кутилмаганда бир болакайнинг йиғлагани эътиборимни тортди. Отаси уни алланарсалар дея кўндиришга ҳаракат қилар, у эса "Менга бошқа ўйинчоқ керакмас, фақат автомат олиб берасиз", дер эди у тихирлик қилиб. Отаси "Қўйсангчи, ахир, шунча ўйинчоқлар турганда, автоматни нима қиласан ", деса-да, у йиғлашдан тўхтамади. Ота ноилож у айтган ўйинчоқни олиб беришга мажбур бўлди. Бола эса бундан ниҳоятда мамнун эди. Бир маҳал у ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйишни истадими ёки ўйинчоқни синаб кўрмоқчи бўлдими — ҳар ҳолда, уни кўтариб бир силкитган эди, ўйинчоқ автомат ичидаги узун ингичка таёқча рўпарадан келаётган қизалоқнинг юзига бориб тегди. Кутилмаган тарафдан келгани ва қўрқиб кетгани учун қизча юзини чангаллаган кўйи чинқираб йиғлаб юборди. Буни кузатиб турган бир аёл қизалоқни юлатди ва болакайга танбеҳ берди. Бундан хижолат бўлган ота "бола-да, айтганини қилдирмаса қўймайди, қилгандан сўнг аҳвол бунақа бўлса... Йиғлама қизим, мен ўзим унинг қулоғини чўзиб қўяман", дея қизалоқни овутган бўлди ва ўғлига дашном беришни ҳам унутмади. Болакай эса буларга парво ҳам қилмай йўлида давом этди. Шу ўринда отанинг хатти-ҳаракати менга жуда ғайритабиий туюлди. Ахир, у ўз фарзандига сўзини ўтказа олмаса, унинг айтганини қилаверса, бунинг оқибати яхшиликка олиб борармикин?

Иккинчи воқеа. Дугонам синглисининг туғилган кунига совға харид қилиш учун бозорга бирга боришни таклиф қилди. Биз ўйинчоқлар сотиладиган раста ва дўконларга кириб, қизалоққа мос ўйинчоқ излай бошладик. Очиғини айтганда, анча айланган бўлсак-да, кўнгилга ёқадиган муносиброқ ўйинчоқ топилмади. "Қандай совға олишни режалаштиргандинг?" — деб сўрадим дугонамдан. "Синглим қўғирчоқларга қизиқади, шунинг учун тузукроғи учраса, олмоқчи эдим", — деди у. Биз шу тариқа суҳбатлашиб, ўйинчоқ изладик. Ниҳоят, дугонам бир қўғирчоқни танлади. Қўғирчоққа енги калта, этаги тор кўйлакча кийдирилган бўлиб, ҳатто кўзларию лабигача бўёқлар билан безатилган эди. Шу боис мен дугонамга норозилик билдирдим. Балки сиз бунинг ёмон томони йўқ-ку дерсиз, аммо фикр билдиришга бироз шошманг. Бугун ажабтовур кийинган, бўянган қўғирчоқларни ўйнаётган қизалоқ эртага ўзи ҳам ана шундай кийинишни, бўянишни истаб қолмасмикин?

Бола азиз, одоби ундан азиз, деган нақл замирида бир олам маъно мужассам.

Болаларнинг барча хоҳишини бажо этиш эртага ўзимизга қийинчилик туғдирмасмикин? Шу ўринда кўнгилдан яна бир мулоҳаза кечади: хўш, болалар турли совуқ ўйинчоқлардан фойдаланмаслиги учун биз катталар уларга нима қилиб бераяпмиз? Ўзига жалб этадиган, маънавий озуқа берадиган фойдали машғулотлар турини кўпайтириш ҳақида ўйлаяпмизми?!

Болаларни келажагимиз, эртанги кунимиз ворислари, деб аталмиз. Аммо уларнинг бугунги ўй-хаёллари, орзу-интилишлари билан ҳар доим ҳам қизиқавермаймиз.

Шу ўринда яна бир муаммо хусусида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Сир эмас, ҳозирги кунда баъзи болалар телевизор қаршисида михланиб қолган. Эрта тонгдан тунги дастургача барча кўрсатувларни иложи борича бошидан-охиригача томоша қилишади. Ота-оналари айтиб беришга вақти бўлмаган эртак ва ривоятларни болажонлар телевидениедан тинглайди, тенгдошларининг ҳаётидан, машғулотидан хабардор бўлади, турли ўйинларни ўрганади. Яқинда телевидениеда болаларбоп кўрсатув намойиш этилаётганда маданият хабарларига оид лавҳалар ҳам берилди. Экранда ғарб либосларидан андоза олинган ҳолда тикилган турли-туман ажабтовур, антиқа ва ҳаттоки бачкана кийимларни намойиш этаётган ёш-ёш болакайлар кўрсатилди. Қизиқ, ўша болалар учун бу жуда жиддий машғулотдир, аммо катталар шунча тайёргарликларга яраша ўзбекона кийимларни намойиш этишни ўйлаб кўришмабдими? Албатта, бу билан болаларнинг турли миллатларнинг кийимларини кийишларини қораламоқчи эмасман. Фақат аввал ўзига хосликни, миллийликни теран тушуниб, кейин ўзга халқларга тақлид қилишса, яхши бўларди, аган фикрни билдирмоқчиман, холос.

Хулоса: ҳар қандай инсон учун болаларнинг бегонаси бўлмайди. Демак, уларнинг ўй-ташвишлари, муаммолари-ю қувонч-шодликлари ҳам бегона бўлмаслиги, эътибордан четда қолмаслиги шарт. Бу борада уларга яқин маслакдош бўлиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Yangi nashr

ИСЛОҲОТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда "Адолат" нашриёти томонидан чоп этилган юридик фанлари доктори Мавжуда Ражабованинг **"Давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти истиқболлари"** деб номланган рисоласида Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти юридик жиҳатлари батафсил таҳлил қилинган.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш" тўғрисидаги маърузаси бир неча йилларга мўлжалланган ислоҳотларнинг бугунги ва истиқболдаги йўналишларига тааллуқли вазифаларни мужассамлаштирган. Ушбу маърузада баён этилган ғоялар ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим масалаларни қамраб олгани билан янада эътиборлидир.

Жамиятимизда демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отаётгани, фуқаролик жамиятини шакллантириш йилдан-йилга жадаллашаётгани давлат қурилиши ва бошқарув соҳасида ҳам ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади. Хусусан, бу жараёнида парламентнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш, ҳокимият тизимида мутаносиб ва барқарор мувозанатни юзага келтириш ана шундай вазифалар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, янги парламент олдидаги энг долзарб вазифа-ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси, механизми сифатида хизмат қиладиган пишиқ-пухта ва мукаммал қонунлар қабул қилиш дан иборатдир. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалар рисолада ўзига хос тарзда ифодасини топган.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида мажбурлов чораларидан гумон қилинувчини ушлаб туриш ва айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси-қамоққа олиш, шунингдек, шахснинг тураржой дахлсизлиги, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали гаплашувини сир сақлаш билан боғлиқ дахлсиз ҳуқуқларини чеклаш, яъни қайд этилган тергов ҳаракатини амалга ошириш учун рухсат бериш (санкция) ваколатини судга олиб бериш, ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан бутунлай чиқариш, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлар масъулиятини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий ва бошқа жарималарни қўллаш масаласи фақат судлар (фуқаролик ёки хўжалик) томонидан ҳал этиш каби муаммоларни ҳал этиш мўлжалланган. Ана шу ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг пухта ва асосли бўлиши, қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ таклифлар ҳам қонунлардаги асосий тартиб-таомилларга тўлиқ мос келиши, жиноят, маъмурий, жиноий процессуал кодексларини такомиллаштиришда кун тартибидаги масала ҳар томонлама ўрганилиши ва таҳлил қилиниши шарт. Рисолада бу борада батафсил сўз юритилган.

Шунингдек, рисолада Парламетнинг юқори палатаси — Сенат фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар ҳам баён қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу рисола давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти истиқболлари билан қизиққан олимлар ва мутахассислар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, тадқиқотчи ва талабалар, шунингдек, кенг китобхонлар учун фойдалидир.

Марям ТАГИРОВА,
Марям РЎЗМЕТОВА

Talab, taklif, mulohaza

МАСЪУЛЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК

У ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

(Давоми. Боши учинчи бетда.)

Маълумот сифатида айтадиган бўлсак, 2004 йилда сайёр равишда тўйхоналарда никоҳни тантанали қайд этишда 9 та ҳолатда алдов ва сохтагарчилик содир этилган. Бундан ташқари, тўй лавҳалари туширилган видео тасмалардан никоҳни тантанали қайд этиш табрик матнини ўзлаштириб олиб, ўзини ФҲДЁ бўлими ходими деб таништирувчи сохта ходимлар никоҳни қайд этиш учун ўз хизматларини таклиф қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Жумладан, фуқаро Ш.Х.нинг аризаси юзасидан хизмат текшируви ўтказилганда, унинг тўйида никоҳ қонуний равишда рўйхатга олинмагани маълум бўлди. Тўй маросимида эса никоҳ сайёр равишда қайд этилиб, Д.Р. ва Ш.Х. бир оила, деб эълон қилинган. Аризачи тақдим этган тўй лавҳалари туширилган видеокассетани ўрганиб чиқиш жараёнида никоҳ ФҲДЁ бўлимига умуман алоқаси бўлмаган номаълум шахс томонидан қайд этилгани ойдинлашди. Натижада эзгу ниятлар билан оила қурмоқчи бўлган содда аёл алданиб қолиб, турмушида жиддий низолар келиб чиққан.

Бу салбий ҳолатлар, аввало, аёлнинг бўлажак турмуш ўртоғи билан биргаликда қонуний никоҳга кириш ҳақида адлия бошқармаси тизимидаги ФҲДЁ ва никоҳ уйларига ариза бермагани, энг асосийси, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги оқибатида келиб чиққан.

Шу ўринда Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш икки ёшнинг фуқаролик далолатномаларини қайд этиш идорасига ариза бергач, бир ой ўтгандан сўнг шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилиши қайд этилган. Ушбу кодекснинг 212-моддасига мувофиқ никоҳни қайд этиш ФҲДЁ идоралари биносида амалга оширилиши, лекин никоҳга киришни истовчи шахсларнинг илтимосига кўра истисно тариқасида, никоҳга кирувчиларнинг бири касаллиги сабабли ФҲДЁ идорасига кела олмаса, никоҳ уй, касалхона ёки тегишли жойда қайд этилиши, 213-моддасига мувофиқ эса никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрел 171-сонли қарори билан тасдиқланган **"Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"**нинг 78 ва 79-бандларига кўра, белгиланган шаклдаги ариза никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади, шунингдек, барча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб берилиши шарт.

Сайёр никоҳларда ФҲДЁ идораларига мутлақо алоқадор бўлмаган сохта шахслар томонидан келин-куёвларни эр-хотин деб эълон қилиш, алдов йўли билан қоғозларга уларнинг имзосини қўйдириш каби ғайриқонуний ҳолатларга содир этилишига асло бефарқ қараб бўлмайди.

Ушбу мулоҳазаларимиз билан сайёр никоҳлар ўзини оқламаган ортиқча тадбир, деган хулоса чиқариш фикридан йироқмиз, албатта. Бироқ эзгу мақсадда бошланган бу ишни замонавий талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлларини излашимиз керак.

Никоҳларнинг бевосита ФҲДЁ кошоналари ва «Бахт уйлари»да қайд этилиши ижтимоий, маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, никоҳланувчи ёшларда оила, ватан ва қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтиришга хизмат қилади. Адлия ходимлари билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг маҳалла оқсоқоллари ва Хотин-қизлар ишлари бўйича қўмиталар фаоллари оилавий ҳамда никоҳ тадбирларини ФҲДЁ идоралари биносида тантанали вазиятда ва қонуний тартибда ўтказишнинг афзалликлари юзасидан ўз маслаҳатлари билан кўмаклашади, деган умиддамиз. Зотан, бу масалада жамоатчилик фикрини ўрганиш, матбуотда тарғибот ишларини олиб бориш, баҳс ва мунозаралар уюштириш орқали фаолиятимизни янада яхшилаш йўлида ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаш бугунги кун талабидир.

Гулнора ИНОМЖОНОВА,
ҳуқуқшунос

Ochilmagan qirralar

Баъзи бир одамлар келажакни олдиндан башорат қилиш қобилиятига эга эканлиги ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Балки ҳар биримизда ана шундай қобилият бордир, аммо уни ҳамма ҳам юзага чиқаравермайди. Одамларни ўта омадли ёки омадсизга ажратилишининг боиси шудир, эҳтимол... Дейлик, биров доим лотерея ўйинларидан ютса, кимдир мудом ютқазади. Ёки бир киши кўзлаган ишини осонгина битирса, бошқаси ҳатто текис йўлларда ҳам қоқилиб юраверади.

ОМАДНИНГ СИРИ НИМАДА?

ёхуд тақдир тасодифларини тушунтиришга фан ожиздир

Кўпгина олимлар, руҳшуносларнинг бу ҳодисани илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилган. Жумладан, психолог Геннадий Павленконинг айтишича, интуиция — бу икки коинот, яъни ер билан осмоннинг бир-бири билан алоқасидир. Ер сезгиси ақлдан кўра ички туйғуга кўпроқ боғлиқ бўлиб, унда ахборот кўпроқ ички ҳиссиётлар билан англанади ва таҳлил қилинади. Ички ҳиссиёт ўз тавсияларини сўз орқали эмас, балки сезги орқали узатади. Масалан, "керак-нокерак", "яхши-ёмон" ва ҳоказо қабилида. Булар оддий ва тушунарли сезги, лекин ҳамма ҳам уни англаб олавермайди. Чунки ҳамиша унга эътибор беришга одатланмаганмиз. Лекин бунга бепарво бўлмаслик керак. Айниқса, кучли сезгилар пайтида бепарволик яхшиликка олиб бормайди. «Мен шу ўринда энг аввало, ички сезгини эшитиш керак деб ҳисоблайман, — дейди психолог Г. Павленко. — Кейин эса нима учун у ҳақ ёки ноҳақлигини ўйлаб кўришга бемалол фурсат етарли бўлади».

Ана шундай омадли машҳур инсонлардан бири Уинстон Черчилл бўлган. У 1941 йилда зенитчилар батареяси ишини текшириб қайтаётган маҳалда машинанинг олд томонига ўтиришдан негадир воз кечади ва орқа ўриндиққа ўтиради. Олд томонга эса унинг ёрдамчиси жойлашади. Орадан кўп ўтмай автомашина рўпарасида бомба портлайди, натижада ёрдамчиси ҳалок бўлади. Кейинчалик Черчилл бу воқеани изоҳлар экан, машинага ўтираётганида унга ғойибдан қандайдир огоҳлантирувчи овоз келганини айтган. Навбатдаги портлашларнинг бирида британ амалдори ўзининг ошхонасидаги ходимларини ўлимдан қутқариб қолади. Воқеа эса қуйидагича кечади: у ошпазларнинг ҳаммасига тезда ертўлага тушишни буюради. Ошпазлар унинг буйруғини бажариб бўлишган пайтда авиақирувчи самолёт нақ ошхона устига бомба ташлайди. Натижада унинг кули кўкка совурилади. Бу ҳолатни ҳам Черчилл ички сезгилари билан изоҳлаган.

Бундай ноёб қобилиятли кишилар ҳаётини ўрганувчи Вадим Чернобров ўз тадқиқотлари давомида ғайриоддий тасодифлар туфайли омон қолганлар ҳақида жуда кўплаб қизиқарли маълумотлар тўплаган. Масалан, Аббат де Монморен зиёратгоҳда чўқиниб турган чоғида тўсатдан ўз жойини ўзгартириши лозимлигини ҳис қилади. У жойини ўзгартириши биланоқ аввал турган ерга девор пештоқларидан тош кўчиб тушади. Ленинград қамали вақтида маҳаллий аҳоли вакили Ольга Поликарпова эса бошидан ўтказганларини қуйидагича баён этган. Ертўлага зудлик билан тушиш ҳақидаги ҳаво сигнали берилганида, у дастлаб ганги қолиб, хонанинг у бошидан-бу бошига тез-тез бориб келаверади. Кейин эса чарчабхориб, хона ўртасидаги креслога ўтириб ухлаб қолади. Атрофдаги кучли шовқин-суронданўйғониб кетганида эса уй вайрон бўлган, фақат у ўтирган жойга зиён етмаганди.

Бундан ташқари айрим кишилар авиаҳалокатларни олдиндан сезгани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Швейцариялик теннисчи Марк Россе 1998 йилнинг 3 сентябрида Нью-Йоркдан Женевага учиши керак эди. Бироқ у ички сезгисига қарши боролмай, олган чиптасини қайтариб беради. Буни қарангки, у чиқиши керак бўлган "Боинг-747" самолёти манзилга яқин қолганида порт-лаб кетади ва йўловчиларнинг барчаси ҳалок бўлади.

Ўтган йилнинг 24 августида Домодедовадан ҳавога кўтарилган иккита самолёт теракт натижасида ҳалокатга учради. Шуниси ҳайратланарлики, ҳар иккала самолётда ҳам йўловчилар кам бўлган. Волгоградга учаётган "Ту-134" русумли самолётда 35 нафар йўловчи бўлиб, улар умумий йўловчиларнинг 50 фоизини ташкил этган. Сочи йўналишида учган "Ту-154" самолёти эса 180 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, ўша куни унда 46 нафар йўловчи учган. Айни дам олиш мавсумида йўловчилар сонининг бу қадар камлиги киши эътиборини тортади, албатта. Бунинг сабаби биз юқорида таъкидлаган ички сезгиларга бориб тақалади. Тадқиқотчиларнинг диққатини жалб этган яна бир ҳолат шуки, самолёт ва поездлар ҳалокатга учраган чоғида, албатта, йўловчилар сони кам бўлар экан. Америкалик социолог Жеймс Стаунтон 250 та ана шундай ҳалокатли ҳодисаларни текширганда ҳайратланарли хулосага келган. Маълум бўлишича, аксарият ҳолларда ўртача 61 фоиз йўловчиси бўлган рейслар ҳалокатга учраган экан. Бошқа вақтларда эса йўловчилар доимо 76 фоиз бўлган. Улар орасидаги фарқ — 15 фоиз. Табиий бир савол туғилади: бу яна ички сезгими?

Проскопия — сирли белгилар орқали келажакдаги воқеа ва ҳодисаларни олдиндан башорат қилишдир. Ҳаётда бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, малика Диана ҳам ўзининг автоҳалокат натижасида ҳалок бўлишини олдиндан айтган. Машҳур кинорежиссёр Андрей Тарковский ҳам шундай қобилиятга эга бўлган. У "Қурбонлик келтириш" ("Жертвоприношения") фильмини суратга олиш учун Столькголм шаҳридан жой ахтаради. У машинасини шаҳар туманларидан бирида тўхтатади ва "Мана шу ер ҳалокат жойи", деб айтади. Орадан бир неча ой ўтиб, ўша жойда Швеция вазири Улоф Пальмени ўлдириб кетишади. "Стальера" фильмини тасвирга олиш жараёнида Андрей Тарковский тасвирчига календарнинг 28 декабр санаси ёзилган варақчасини кадрда узоқ кўрсатиб туришни буюради. Қизиғи шундаки, кейинчалик режиссёрнинг ўлими айни шу санага тўғри келади.

— Ёзувчи Стивен Кингнинг айтишича, проскопия қобилияти олдиндан кўра билишдир. Шунингдек, у бу ноёб қобилиятни бизга аждодларимиздан ўтиб келаётган мерос, дея атайди. Бугунги тараққиёт даврида инсон танаси ҳиссиётларни унчалик тез илғаб олмайди. Теварак-атрофдаги турли жараёнлар бунинг асосий сабаби сифатида изоҳланади, — дейди Чернобров. — Тезкор вазиятларда, тасодифий ҳолларда баъзан руҳий сезгилари ҳаракатга келиб қолиши ва ҳаммада ҳам бу ҳолат кузатилавермаслиги мумкин.

— Албатта, олдиндан воқеаларни айта билиш, сезиш одамни қизиқтириб қўяди. Лекин бу ҳодисани амалиётда кўриш янаям қизиқроқ бўлса керак, — дейди Сергей Шубаков. — Инсон ҳаётида ўн минглаб кунларни яшайди. Нега энди ана шу кунлардан бир нечтасини ҳар хил ғаройибот ва мўъжизаларга ажратмаймиз?! Шунингдек, нега омадга оддий ҳол сифатида қараймиз? Ер юзида 6 миллиардга яқин одам яшайди. Улар орасида дейлик, миллионтаси энг омадлилардир. Бу, ахир, денгиздан томчи-ку (ҳолининг 0,2 фоизидан ҳам кам!), лекин улар ҳақида гапириш ва ёзиш учун эса ҳамиша маълумот етарлидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тақдир тасодифларини, мўъжизаю кутилмаган ҳодисаларни изоҳлаб беришга баъзан фан ҳам ожизлик қилади. Одатда уни биргина сўз — омад билан изоҳлашга мажбур бўламиз. Бироқ ҳар не бўлганда ҳам, инсон ички сезгиларига қулоқ солиши керак. Балки шунда чинакам омадни ҳис этиш мумкин.

Ҳамидулло АКРОМОВ
тайёрлади

Nadomat

ҒАЗАБНИНГ АВВАЛИ НОДОНЛИК, КЕЙИНИ ПУШАЙМОНЛИК...

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Турли ўй-хаёллар миясида ғужғон ура бошлади. Қизи ўзидан тинчиб кетган, иккита ўғлининг ҳам оиласи тинч, фақат кенжа ўғлининг бахти чалкаш бўлди-да. Ҳаммасига хотини айбдор, ёш келинни алдабсулдаб йўлга солса бўларди. Йўқ, у ўз билганидан қолмади. Оқибатда келин аразлаб уйига кетиб қолди... Шундай фикрлар билан уйга етиб келганда, пешонасини рўмол билан танғиб олган хотини қўлидан тўрхалтани олар экан, унга ичгани учун танбеҳ берди.

Бу оловга мой сепгандек бўлдиқ, Шухрат ака бирдан тутоқиб кетди.

— Ҳа, ичдим, нима ишинг бор?

— Набираларингиз бўй етиб қоляпти-ю ичишингиз нимаси?

— Набираларингни ўйлайсан, ўғлингни, келинингни ўйламайсанми? Фарҳоднинг хотини сен туфайли кетиб қолди-ку?

— Эски гапни яна бошлаяпсизми? Бўлди, уйга киринг, бироз дам олинг...

Шу маҳал Отабек кайфи тароқ ҳолда келиб қолди. Ота-онасининг жанжалини кўриб бирдан жаҳли чиқди.

— Ҳа, яна онамни қийнаяпсизми? - деди у.

— Сен қўшилма, - деди отаси унга.

Ўғил навқирон, куч-қувватга тўлган, ота эса кексайиб қолган. Шунинг учун Отабек итариб-туртиб отасини ичкари хонага олиб кирди. Онасининг ҳай-ҳайлашига эса «сиз флаб олди. Томоғи қақраб кетган ота ўғлидан аввал сув, кейин асабини тинчлантириш учун тамаки сўради. Ҳар қанча уринмасин, Отабек ўзини сира боса олмасди...

4.ОНА

Нафиса ая ўғлининг ортидан кидастурхонга қарашга ундаса-да, ҳаёли паришон, кўнгли негадир ғаш бўлаверди. Нариги хонадан ниманингдир синган овози эшитилди. Бироздан сўнг Отабек ичкаридан чиқиб ювинди-да, кийимини алмаштириб поччасининг олдига келди...

Нафиса ая Шухрат ака қолган хонага кирганида у ерда юз-тубан ҳолда ётган эди. Уни ўнгламоқчи бўлиб кўтарганда не кўз билан кўрсинки, унинг юз-кўзи, бўйни қон эди. Боя ўғли туртиб юборганда отаси коса ва пиёла синиқларининг устига юзи билан тушган экан. Чақирилган тез ёрдам машинаси етиб келганида отанинг жони узилган эди...

5. ХУЛОСА

Инсон ўз қисматида не ёзилганини билмагани учун доим нимагадир интилиб яшайди. Умри якунида тақдиридан ё шукур қилади, ё афсус чекади. Лекин Отабек умрининг энг гуллаган даврида пешонасига тавқилаънат тамғаси босилди. У ўз отасининг қотилига айланди. Суд ҳукмига биноан тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилган Отабек қачондир жазони ўтаб қайтади. Аммо уни виждон азоби бир умр таъқиб этмайдими?! Бўйнига осилган тавқилаънат уни ҳеч қачон тарк этмайди. Агар у шайтоний хаёллар тизгинига эрк бермаганида, фарзандлик бурчини унутмаганида, отасига қўл кўтармаганида қотиллик рўй бермасмиди? Қолаверса, қабоҳат ботқоғи уни ўз комига бирдан тортгани йўқ. Оиладаги носоғлом муҳит ҳам унинг жиноятга қўл уришига сабабчи бўлди. Халқимизнинг ғазабнинг аввали нодонлик, кейини эса пушаймонлик бўлади, деган нақли бежизга айтилмаган. Ўринсиз келган ғазаб туфайли бир хонадон суянч тоғи — отадан жудо бўлди. Қанчалар ачинарли бўлмасин, воқеалар тизими ҳалқа шаклида бир бутун занжирни ҳосил қилди. Алал-оқибат бу занжирнинг барча бўғинига бирдек шикаст етди. Энди бу жароҳатни бирор малҳам ёки вақт ҳам даволай олмайди.

Мирзоҳид ҒАНИЕВ,
ҳуқуқшунос

ЭЪЛОН

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатлар Малака комиссиясининг 2005 йил 15 мартдаги йиғилиши қарорига асосан вилоят ҳудудида фаолият кўрсатиб келган адвокат Узоқ Норқўзиевга 1997 йил 20 июнда берилган KS 000016-сонли, адвокат Алим Қодировга 1997 йил 20 июнда берилган KS 000043-сонли, адвокат София Бахриевага 1997 йил 6 июнда берилган KS 000036-сонли, адвокат Панжи Авазовга 1997 йил 27 июнда берилган KS 000072-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар улар вафот этгани муносабати билан бекор қилинди.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6